

ALISHER NAVOIY

INTERNATIONAL JOURNAL

*A. Navoiy tavalludining 581 yillik
yubileyiga bag'ishlanadi*



TOSHKENT-2022

ISSN 2181-1490

Doi Journal 10.26739/2181-1490

ALISHER NAVOIY

XALQARO JURNAL
INTERNATIONAL JOURNAL
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ



Tadjqiqot.uz



TOSHKENT-2022



**ALISHER NAVOIYNING 581 YILLIK
YUBILEYIGA BAG'ISHLANADI****ПОСВЯЩАЕТСЯ 581 ЛЕТНОМУ
ЮБИЛЕЮ АЛИШЕРА НАВОИ****DEDICATED TO THE 581th ANNIVERSARY
OF THE BIRTH OF ALISHER NAVOI**

Buyuk shoir va mutafakkir, atoqli davlat va jamoat arbobi Alisher Navoiyning bebaho ijodiy-ilmiy merosi nafaqat xalqimiz, balki jahon adabiyoti tarixida, milliy madaniyatimiz va adabiy-estetik tafakkurimiz rivojida alohida o'rin tutadi. Ulug' shoir o'zining she'riy va nasriy asarlarida yuksak umuminsoniy g'oyalarni, ona tilimizning beqiyos so'z boyligi va cheksiz ifoda imkoniyatlarini butun jozibasi va latofati bilan namoyon etib, yer yuzidagi millionlab kitobxonlar qalbidan munosib va mustahkam o'rin egalladi.

***O'zbekiston Respublikasi Prezidenti
Shavkat Miromonovich Mirziyoyev***

Бесценное творческое и научное наследие великого поэта и мыслителя, известного государственного и общественного деятеля Алишера Навои играет важную роль в истории не только отечественной, но и мировой литературы, развитии национальной культуры и литературно-эстетического мышления. В своих лирических и прозаических произведениях великий поэт, воспевая высокие общечеловеческие идеи, демонстрировал богатый лексический запас и выразительные средства родного языка, благодаря чему занял достойное место в сердцах миллионов читателей по всему миру.

***Президент Республики Узбекистан
Шавкат Миромонович Мирзиёев***

The invaluable creative and scientific heritage of the great poet and thinker, famous statesman and public figure Alisher Navoi has a special place not only in the history of our people, but also in the history of world literature, the development of our national culture and literary and aesthetic thinking. The great poet, in his poetic and prose works, with his whole charm and grace, has taken a worthy place in the hearts of millions of readers around the world, expressing the high universal ideas, the incomparable richness of words and the infinite possibilities of expression of our native language.

***President of the Republic of Uzbekistan
Shavkat Miromonovich Mirziyoyev***



ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI

Bosh muharrir:

Mirzayev Ibodulla*f.f.d., professor
(O'zbekiston)*

Bosh muharrir o'rinbosari:

Jabborov Nurboy*f.f.d., professor
(O'zbekiston)*ALISHER NAVOIY
XALQARO JURNALI HAY'AT A'ZOLARI:**Muhiddinov Muslihiddin***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Sirojiddinov Shuhrat***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Haqqulov Ibrohim***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Rasulov Ravshanxo'ja***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Dilorom Salohiy***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Sodiqov Qosimjon***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Mark Tutan***f.f.d., professor (Fransiya)***Binnatova Almaz Ulvi***f.f.d., professor (Ozarbayjon)***To'xlijev Boqijon***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Shodmonov Nafas***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Ramiz Asker***f.f.d., professor (Ozarbayjon)***Yo'ldoshev Qozoqboy***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Jo'raqulov Uzoq***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Vohid Turk***f.f.d., professor (Turkiya)***Nabiulina Guzal***f.f.d., professor (Tatariston)***Ibrohim Xudoyor***f.f.d., (Eron)***Yusupova Dilnavoz***f.f.d., dotsent (O'zbekiston)***Rahim Ibrohim***f.f.d., professor (Afg'oniston)***Mirzayev Rahmatilla***y.f.n., dotsent, huquqshunos (O'zbekiston)***Muhitdinova Badia***f.f.n.dotsent (O'zbekiston)***Ruzmanova Roxila***dots., mas'ul kotib (O'zbekiston)***Narziyeva Ma'mura***kotib, o'qituvchi (O'zbekiston)*ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI ILMIY
MASLAHAT KENGASHI A'ZOLARI:**Toshqulov Abduqodir***i.f.d., (O'zbekiston)***Xalmuradov Rustam***t.f.d., professor (O'zbekiston)***Eshqobil Shukur***O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan
madaniyat xodimi, shoir (O'zbekiston)***To'xtasinov Ilhom***p.f.d. (O'zbekiston)***Rixsiyeva Gulchehra***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Benedek Peri***f.f.d., professor (Vengriya)***Ko'chiyev Ismat***publisist, O'zbekiston va Belorussiya yozuvchilar
uyushmasi a'zosi (O'zbekiston)***Olimov Karomatillo***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Dadaboyev Hamidulla***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Aitpayeva Gulnora***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Rahmonov Nasimxon***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Shomusarov Shorustam***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Dyu Rye Andre***f.f.d., professor (Fransiya)***Pervin Chapan***f.f.d., professor (Turkiya)***Safarov Renat***f.f.d., professor (Tatariston)***Hamroyev Juma***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Ibrohimov Elchin***f.f.n., professor (Ozarbayjon)***Jo'rayev Shokirjon***F-m.f.d., professor (O'zbekiston)***Hasanov Shavkat***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Nurullo Oltoy***f.f.n., (Afg'oniston)***Xalliyeva Gulnoz***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Alim Labib***f.f.d., professor (Afg'oniston)***Nodira Afoqova***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Aftondil Erkinov***f.f.d., professor (O'zbekiston)*

**Главный редактор:**

Мирзаев Ибадулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Жабборов Нурбой
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**ЧЛЕНЫ МЕЖДУНАРОДНОГО ЖУРНАЛА
АЛИШЕРА НАВОИ:**

Мухиддинов Муслихиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Сирожиддинов Шухрат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Хаккулов Иброхим
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Расулов Равшанхужа
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дилором Салохий
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Содиков Косимжон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Марк Тутан
д.ф.н., профессор (Франция)
Биннатова Алмаз Улви
д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Тухлиев Бокижон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Шодмонов Нафас
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Рамиз Аскер
д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Юлдашев Казакбай
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Журакулов Узок
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Вохид Турк
д.ф.н., профессор (Турция)
Набиулина Гузаль
д.ф.н., профессор (Татарстан)
Иброхим Худоев
д.ф.н., (Иран)
Юсупова Дилназов
д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Рахим Иброхим
д.ф.н., профессор (Афганистан)
Мирзаев Рахматилла
к.ю.н., доцент (Узбекистан)
Мухитдинова Бадиа
к.ф.н., доцент (Узбекистан)
Рузманова Рохила
доц., отв. секретарь (Узбекистан)
Нарзиева Мамура
секретарь, преподаватель (Узбекистан)

**ЧЛЕНЫ НАУЧНОГО КОНСУЛЬТАТИВНОГО
СОВЕТА МЕЖДУНАРОДНОГО ЖУРНАЛА
АЛИШЕРА НАВОИ:**

Тошкуллов Абдукодир
к.э.д., (Узбекистан)
Халмурадов Рустам
д.т.н., профессор (Узбекистан)
Эшкobil Шукур
Заслуженный работник культуры Республики
Узбекистан, поэт (Узбекистан)
Тухтасинов Илхам
д.п.н. (Узбекистан)
Рихсиева Гулчехра
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Бенедек Пери
д.ф.н., профессор (Венгрия)
Кочиев Исмаи
Публицист, член Союза писателей Узбекистана и
Беларуси (Узбекистан)
Олимов Кароматилло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дадабаев Хамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Айтпаева Гулнора
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Рахмонов Насимхон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Шомусаров Шорустам
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дю Рье Андре
д.ф.н., профессор (Франция)
Первин Чапан
д.ф.н., профессор (Турция)
Сафаров Ренат
д.ф.н., профессор (Татарстан)
Хамроев Джума
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Иброхимов Элчин
к.ф.н., профессор (Азербайджан)
Джураев Шокирджон
д.ф.-м. н., профессор (Узбекистан)
Хасанов Шавкат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нурулло Олтой
к.ф.н., (Афганистан)
Халлиева Гулноз
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Алим Лабиб
д.ф.н., профессор (Афганистан)
Нодида Афокова
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Афтондил Эркинов
д.ф.н., профессор (Узбекистан)



Chief Editor:

Mirzaev Ibodulla*Doc. of philol. scien., professor (Uzbekistan)*

Deputy Chief Editor:

Jabborov Nurboy*Doc. of philol. scien., professor (Uzbekistan)*MEMBERS OF EDITORIAL BOARD OF
INTERNATIONAL JOURNAL OF ALISHER
NAVOI:**Mukhiddinov Muslikhiddin***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Sirojiddinov Shukhrat***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Khakkulov Ibrokhim***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Rasulov Ravshankhuja***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Dilorom Salokhiy***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Sodikov Kosimjon***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Mark Tutan***Doc. of philol. scien., prof. (France)***Binnatova Almaz Ulvi***Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)***Tukhliev Bokijon***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Shodmonov Nafas***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Ramiz Asker***Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)***Yuldoshev Kozokboy***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Jurakulov Uzok***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Vokhid Turk***Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)***Nabiulina Guzal***Doc. of philol. scien., prtof. (Tatarstan)***Ibrokhim Khudoyor***Doc. of philol. scien., (Iran)***Yusupova Dilnavoz***Doc. of philol. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)***Rakhim Ibrokhim***Doc. of philol. scien., prof. (Afghanistan)***Mirzayev Rahmatilla***Cand. of legal scien., assoc. prof. (Uzbekistan)***Mukhitdinova Badia***Cand. of philol. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)***Ruzmanova Rokhila***Assoc. prof., Exec. Sec. (Uzbekistan)***Narziyeva Ma'mura***Secretary, teacher (Uzbekistan)*MEMBERS OF SCIENTIFIC ADVISORY BOARD
OF INTERNATIONAL JOURNAL OF ALISHER
NAVOI:**Toshkulov Abdukodir***Doc. of econ. scien., (Uzbekistan)***Khalmuradov Rustam***Doc. of technic. scien., prof. (Uzbekistan)***Eshqobil Shukur***Honored Worker of Culture of the Republic of Uzbekistan, poet (Uzbekistan)***Tukhtasinov Ilkhom***Doc. of pedag. scien. (Uzbekistan)***Rikhsieva Gulchekhra***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Benedek Peri***Doc. of philol. scien., prof. (Hungary)***Kochiyev Ismat***Publicist, member of the Writers' Union of Uzbekistan and Belarus (Uzbekistan)***Olimov Karomatullo***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Dadaboev Khamidulla***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Aitpaeva Gulnora***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Rakhmonov Nasimxon***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Shomusarov Shorustam***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Dyu Rye Andre***Doc. of philol. scien., prof. (France)***Pervin Chapan***Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)***Safarov Renat***Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)***Khamroev Juma***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Ibrokhimov Elchin***Cand. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)***Juraev Shokirjon***Doc. of phys.-math. scien., prof. (Uzbekistan)***Khasanov Shavkat***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Nurullo Oltoy***Cand. of philol. scien., (Afghanistan)***Khallieva Gulnoz***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Alim Labib***Doc. of philol. scien., prof. (Afghanistan)***Nodira Afokova***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Aftondil Erkinov***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)*

Саҳифаловчи: Абдулазиз Мухаммадиев

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улицы Амира Темура пр. 1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,

Amir Temur Street pr. 1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

NAVOIY VA TILSHUNOSLIK MASALALARI

1. Bayram BİLİR

ORHUN YAZITLARINDA VE ALİ ŞİR NEVAI'NIN İLK DİVANINDA OLUMLU TİP KAVRAMLAR9

NAVOIY VA JAHON ADABIYOTI

2. Ozan Yılmaz

ALİ ŞİR NEVÂ'YÎ'NİN HAMSESİNDE EMÎR HÜSREV-İ DEHLEVÎ'YE DAİR GÖRÜŞLERİ15

3. Эркинов Афтондил

АЛИШЕР НАВОЙИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ БУТУНЖАҲОН ФЕҲРЕСТИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАСИ29

HAQIQAT SARI SAFAR

4. Muslikhiddin Kutbiddinovich Mukhiddinov

IMAGE OF THE PROPHET36

5. Қозоқбой Йўлдош

ТЕРАН ТУЙГУЛАРНИНГ ЖОНЛИ МАНЗАРАЛАРИ45

MA'RIFAT YOG'DUSI

6. Салоҳий Дилором Исомиддин қизи

НАВОЙИ ИЖОДИДА ИНСОН ВА ИЖТИМОЙИЙ ЖАМИЯТ АХЛОҚИ МАВЗУСИ50

7. Жабборов Нурбой Абдулҳакимович

АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИДА “АҲЛИ МАОНИЙ” ТУШУНЧАСИНИНГ ЎРНИ ВА ИРФОНИЙ МОҲИЯТИ55

8. Нафас Шодмонов

ТАСАВВУФ АДАБИЁТИДАГИ “КЎЗГУ” ТИМСОЛИНИНГ НАВОЙЁНА ТАЛҚИНИ65

9. Асрорхон Аббосов

НАВОЙИ ҲАЗРАТЛАРИ ЎРГАНГАН АСАРЛАР: “САҲИҲИ БУХОРИЙ” ДА ОДОБ-АХЛОҚҚА ДОИР ҲАДИСЛАР78

ASLIYAT UMMONI

10. Bertels Y.E.

NAVOIY VA ATTOR. Rus tilidan I.K.Mirzayev tarjimasi (parcha)83

TEMURIYLAR DAVRI TURKIY VA O'ZBEK ADABIYOTI

11. Уралов Ахтам Синдарович, Холдоров Хусан Нортोजиевич

АЛИШЕР НАВОЙИ ВА ҲУСАЙН БОЙҚАРО ДАВРИ БОҒЛАРИ95

12. Холиқов Умиджон Қўчқарович, Холиқова Сайёра Қўчқаровна

НАВОЙИ ДАВРИДА ШАХМАТ ЎЙИНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН103

NAVOIY NASRI VA NAZMI NAFOSATI

13.Қобилов У. У.

“ЮСУФНОМА” МАВЗУСИ ВА УНИНГ АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИДАГИ
БАДИИЙ ТАЛҚИНИГА ДОИР.....109

14.Холйигит Холмуродов

МУМТОЗ АДАБИЁТДА ФАРҲОД ОБРАЗИ ГЕНЕЗИСИ ВА УНИНГ НАВОИЙ
ШЕЪРИЯТИДА ИФОДАЛАНИШ АНЪАНАЛАРИ.....118

15.Murat ŞAHİN

ALİ ŞİR NEVÂÎ’NİN “MAHBÛBU’L KULÛB” ADLI ESERİNİN DEĞERLER
AÇISINDAN İNCELENMESİ.....124

ILM, OLAM VA OLIM

16.Ernazarova Iroda Shavkatovna

ESHQOBIL SHUKUR – NAVOIYGA MUNOSIB IZDOSH.....134

17.Eshnazarov Sulaymon Qulmuhammad o‘g‘li

ALISHER NAVOIYNING “SAB’AT UL-ABHUR” ASARI
LUG‘ATSHUNOSLIKDA NODIR MANBA SIFATIDA.....140

TALQIN, TAHLIL VA TAQRIZ

18.O‘ngalova Guldasta

Y.E.BERTELS NAVOIY IJODI TADQIQOTCHISI.....144

NAVOIY VA TA’LIM-TARBIYA MASALALARI

19.Сирдарёхон Ўтанова

ИНСОН АХЛОҚИНИНГ РАНГЛИ МАНЗАРАЛАРИ.....151

20.Gulchehra Ahatova

“MAHBUB UL-QULUB” ASARINING BUGUNGI YOSHLARDA MA’NAVIY SIFATLAR
SHAKLLANTIRISHDAGI O‘RNI.....157

**AZIZ MUSHTARIY!**

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning "Buyuk shoir va mutafakkir Alisher Navoiy tavalludining 580 yilligini keng nishonlash to'g'risida"gi PQ-4865-son Qarorida "Alisher Navoiy asarlarida teran ifoda topgan milliy va umuminsoniy g'oyalarning jahon tamaddunida tutgan o'rnini hamda o'sib kelayotgan yosh avlodning intellektual salohiyatini oshirish, ular qalbida yuksak axloqiy fazilatlarni tarbiyalashdagi beqiyos ahamiyatini nazarda tutib, shuningdek, ulug' shoir va mutafakkirning adabiy-ilmiy merosini mamlakatimizda va xalqaro miqyosda yanada chuqur tadqiq qilish va keng targ'ib etish..." lozimligi alohida ta'kidlangan.

Bu filologiya ilmi va navoiyshunoslik, xususan, adabiy ta'sir, qiyosiy adabiyotshunoslik, matnshunoslik va tarjima masalalari bilan shug'ullanayotgan tadqiqotchilar zimmasiga jahonning ilg'or texnologiyalari, nazariy g'oyalariga hamohang ilmiy tadqiqotlar yaratish vazifasini yuklaydi. Olimlarimizning ilmiy salohiyati, innovatsion g'oyalarini jahonda targ'ib qilish va qo'llab-quvvatlash maqsadida xalqaro nufuzga ega ushbu jurnal ta'sis etildi.

"Alisher Navoiy" deb nomlangan ushbu jurnalda navoiyshunoslik, Navoiy adabiy merosining umumjahon tamaddunida tutgan o'rnini va adabiy ta'sir masalalari bilan shug'ullanayotgan tadqiqotchilarni o'z maqolalari bilan ishtirok etishga taklif qilamiz.

TAHRIRIYAT**УВАЖАЕМЫЙ ЧИТАТЕЛЬ!**

В Постановлении №ПП-4865 Президента Республики Узбекистан Шавката Миромоновича Мирзиёева "О широком праздновании 580-летия со дня рождения великого поэта и мыслителя Алишера Навои" особо отмечается "огромное значение произведений Алишера Навои, в которых нашли глубокое отражение национальные и общечеловеческие ценности, в развитии мировой культуры, их роль в повышении интеллектуального потенциала и духовно-нравственном воспитании молодого поколения, а также в целях обеспечения дальнейшего изучения и популяризации литературно-научного наследия великого поэта и мыслителя..."

Это ставит задачи перед филологами, навоиоведами, исследователями литературного влияния, сравнительного литературоведения, текстологии и вопросов перевода создания научных исследований, соответствующих передовым мировым технологиям и теоретическим идеям. В целях пропаганды и продвижения научного потенциала и инновационных идей наших ученых учреждён данный международный журнал.

Приглашаем публиковать свои статьи в нашем журнале "Алишер Навои" отечественных и зарубежных исследователей, занимающихся изучением жизни и творчества литературы Навои, его роли в мировой литературе, проблемами литературного влияния и сравнительной поэтикой.

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИИ**DEAR READER!**

Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Miromonovich Mirziyoyev "On the celebration of the 580th anniversary of the great poet and thinker Alisher Navoi" No PP-4865 given the invaluable role of cultivating high moral qualities in their hearts, as well as the need to further study and widely promote the literary and scientific heritage of the great poet and thinker in our country and internationally "

This puts the task of researchers in the field of philology and Navoi studies, in particular, literary influence, comparative literature, textual studies and translation, in creating scientific research in harmony with the world's advanced technologies and theoretical ideas. This internationally renowned journal was established to promote and support the scientific potential and innovative ideas of our scientists around the world.

In this magazine, called "Alisher Navoi", we invite researchers who are interested in Navoi studies, the role of Navoi's literary heritage in world civilization and literary influence to participate with their articles.

EDITORIAL



ТАСАВВУФ АДАБИЁТИДАГИ “КЎЗГУ” ТИМСОЛИНИНГ НАВОИЁНА ТАЛҚИНИ

Нафас Шодмонов,
филология фанлари доктори, ҚарДУ

For citation: Shodmonov N. INTERPRETATION AS NAVOI OF THE IMAGE OF “MIRROR” IN TASAVVUF LITERATURE. Alisher Navoi. 2022, vol. 1, issue 3, (65-77) pp.

DOI 10.5281/zenodo.5804657

АННОТАЦИЯ

Мақолада тасаввуф адабиётида узоқ давр истифода этилган, муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган кўзгу поэтик тимсоли билан боғлиқ қарашлар тарихи илмий таҳлил қилинган. Жумладан, Ибн ал-Арабий, Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий, Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Хожа Муҳаммад Порсо, Абдурахмон Жомий, Жаъфар Сажжодий кабиларнинг бу тимсол талқинига доир қарашлари умумийлаштирилиб, кўзгунинг тажаллий, мазҳар (зохир бўлиш, намоён бўлиш) сифатидаги моҳияти хусусида хулосалар чиқарилади. Муаллиф кўзгунинг тасаввуф таълимотдаги талқинлари билан бадий асарларда қўлланишидаги мувофиқликни Алишер Навоий дostonлари мисолида ўрганади. Хусусан, “Фарҳод ва Ширин” дostonида шоирнинг кўзгу тимсолидан фойдаланиш маҳорати очиқ берилган. Дoston, баъзи ғарб тадқиқотчилари талқинича “Хусрав ва Ширин”га тақлидан ёзилган эмас, айнан кўзгу тимсоли орқали ҳамсачиликда мутлақо янги талқинда, янги сюжет ва композицияга эга юксак маҳорат билан яратилган асар сифатида жаҳон адабиётида ўз ўрнига эгаллиги исботланган. Дostonнинг кўзгу услубида яратилиши илк бор илмий асосланган.

Калит сўзлар: тасаввуф адабиёти, кўзгу, тимсол, сир, тажаллий, мазҳар, Алишер Навоий, дoston, Фарҳод ва Ширин, ўрчинлук (темир одам), Хамса, кўзгу услуби.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ КАК НАВОИ ОБРАЗА «ЗЕРКАЛО» В ЛИТЕРАТУРЕ ТАСАВВУФА

Нафас Шодмонов,
Доктор филологических наук, ҚарГУ

АННОТАЦИЯ

В статье приводится научный анализ истории воззрений о поэтическом образе зеркала, который имел важное значение и долгое время использовался в литературе тасаввуфа. В частности, обобщаются взгляды Ибн ал-Араби, Фаридуддина Аттора, Жалолиддина Руми, Низами Ганжави, Хусрава Дехлави, Ходжа Мухаммада Порсо, Абдурахмана Джами, Жаъфара Сажжоди о толковании данного образа и делаются выводы о сущности проявления зеркала. Соответствие между толкованием зеркала в учении тасаввуф и использованием в литературных произведениях автор раскрывает на примере дастанов Алишера Наваи. Так, продемонстрировано мастерство поэта по использованию образа зеркала в дастане “Фарход и Ширин”. Доказано, что дастан никак не является подражательством “Хусраву и Ширину”, как утверждают некоторые западные исследователи, а занимает особое место в мировой литературе как созданное на высоком уровне произведение с новым сюжетом и композицией, благодаря именно новому толкованию образа зеркала в истории создания пьютерицы. Впервыи научно обосновано создание дастана на основе метода зеркала.

Ключевые слова: литература тасаввуфа, зеркало, образ, таинство, проявление, Алишер Наваи, дастан, Фарход и Ширин, ўрчинлук (железный человек), Пьютерица, метод зеркала.



INTERPRETATION AS NAVOI OF THE IMAGE OF «MIRROR» IN TASAVVUF LITERATURE

Nafas Shodmonov,
Doctor of Philology, QarSU

ANNOTATION

The article provides a scientific analysis of the history of views on the poetic image of the mirror, which has long been used in mystical literature and has become important. In particular, the views of Ibn al-Arabi, Fariduddin Attar, Jalaliddin Rumi, Nizami Ganjavi, Khusrav Dehlavi, Khoja Muhammad Porso, Abdurahman Jami, Jafar Sajjadi on the interpretation of this symbol are summarized and conclusions on the essence of the mirror as *tajalli*, *mazhar* (appearance, manifestation) are drawn. The author examines the compatibility of the mirror with its interpretations of mystical doctrine in the use of works of art in the example of Alisher Navai's epics. In particular, the epic "Farhad and Shirin" reveals the poet's ability to use the image of a mirror. The epic was written in imitation of "Khusrav and Shirin" according to some Western scholars, it is not so but in the contrary through a mirror image it proved to have a place in world literature as a masterfully created work with a completely new interpretation, a new plot and composition. The creation of the epic in the style of a mirror was first scientifically based.

Keywords: mystical literature, mirror, symbol, mystery, manifestation, *mazhar* (appearance), Alisher Navai, epic, Farhad and Shirin, *urchinluk* (iron man), *Hamsa*, mirror style.

Тасаввуф таълимоти Шарқ халқлари адабиётини кўплаб бетакрор ва сайқалланган тимсоллар билан бойитгани маълум. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ўз моҳияти ёки жуда кўп талқинларга эгаллиги нуқтаи назаридан кенгроқ ва чуқурроқ тадқиқ этилмаган. Ҳолбуки, бу адабиёт узок даврда давомли суратда тасаввуфдан қабул қилиб олган образларини замон ва макон хусусиятларидан келиб чиқиб такомиллаштириб борди. Бунда, албатта, сўфийлик ҳаракатининг турли босқичларида майдонга чиққан таълимот концепцияларида вужудга келган айрим ўзгаришлар билан бир қаторда ижодкорлар имкониятлари ва эстетик тамойилларда содир бўлган ўзгаришлар ҳам муҳим омил ҳисобланади. Шунга қарамай, тайёр тимсолдан янги шароитда ёки янги асарда қандай маҳорат билан фойдаланилгани масаласи фақат ижодкор салоҳияти ва истеъдодига боғлиқ бўлиб қолаверади.

Тасаввуф муҳити авлиё шайхларни энг кўп етиштириб бергани каби сўфийлик адабиётини ҳам рамзий образлар билан тўлдириб бойитган давр ваҳдат ал-вужуд назарияси устувор бўлган босқич ҳисобланади. Бу даврни йирик араб шайхи Муҳийуддин ибн ал-Арабий бошлаб берган бўлса, уни ниҳоясига етказган Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг охириги туркигўй мутафаккир шоири Алишер Навоий бўлганини таъкидлаш ўринлидир. Ғарб тасаввуфшунослари туркий адабиёт, жумладан Алишер Навоий ижоди билан яхши таниш бўлмаганлари сабабли Абдурахмон Жомийни тасаввуф олтин даврининг охириги шоири - "хотам аш-шуаро" сифатида талқин қиладилар. Бунга мисол сифатида АҚШнинг Калифорния университети олими Ҳамид Алгарнинг Россияда эълон қилинган бир мақоласини келтириш мумкин [Hamid Algar 2012:138-158]. Унутмаслик лозимки, Жомий ва Навоий нечоғли маслакдош, дунёқарашда бир-бирларига яқин, устоз-шогирд, ижодий ҳамфикр бўлмасинлар, уларнинг бадиий тафаккурида ўзига хосликлари ҳам жуда кўп ўринларда кўзга ташланади. Хусусан, Алишер Навоийнинг бадиий тимсоллардан ғоявий мақсадларда фойдаланиш даражаси анча юқори ва бу ҳол алоҳида эътиборни талаб қилади. Шунга кўра ҳам, "хотам аш-шуаро" нисбасига Навоийни муносиброқ дейиш мақсадга мувофиқдир.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий қўллаган тимсолларнинг аксарияти тасаввуф адабиётига хос бўлса-да, улар улуг шоир талқинида янги мазмун-моҳият билан шу қадар бойитилганки, ҳар бир тимсол алоҳида олинганда ҳам йирик тадқиқотларга асос бўла олади. Буни биргина кўзгу тимсоли орқали билан ҳам исботлаш мумкин. Биз бу ерда, мақола ҳажмидан келиб чиқиб, унинг тасаввуф адабиётидаги ўрни ва шоир дostonларида қўлланишига диққат қаратамиз.

Аввало, кўзгунинг тасаввуф адабиётидаги ўрни хусусида. Бу хусусда айтиш мумкинки,



сўфий алломалар вужудни биттадан ортиқ эмас деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, бу вужуднинг зоҳири ва ботини бор. Ботини бир Нурдир. Бу Нур, оламнинг жонидир; олам бу Нурдан лиммо-лим, бу Нур чексиз ва чегарасиздир, поёнсиз ва тубсиз бир денгиздир. Мавжудотнинг ҳаёти, илми, иродаси, кудрати, кўриш, эшитиш, гапириш, ишлаш ва ҳоказо хосиятлари бу Нурдандир. Хуллас, барчаси шу Нурдандир. Вужуднинг зоҳири ўша Нурнинг тажаллийсидир, бу Нур сифатларининг мазҳари ва кўзгусидир.

Кўзгунинг бундай маънолари тасаввуф истилоҳлари луғатларида ҳам кенг изоҳланган. Жумладан, Жаъфар Сажжодий томонидан тузилган форсча ирфоний истилоҳлар ва таъби-ротлар луғатида ойна ва миръот тушунчаларининг кенг кўламли таснифий изоҳлари келти-рилади. Яъни, унда бу истилоҳлар бошқа истилоҳлар билан бирга қўлланганда билдиради-ган маъноларигача шарҳланади. Олим дастлаб ойнани шундай изоҳлайди:

اريز. وَا تيرمظم ته جزا تسالماك ناسنا بلقنا زادارم، قو ذله تاملك رد. صاخ ىلق ي ص مس ج – من ي
اتسا رهظا دراد همات تيرمظم هك لماك ناسنا رد ىن عم نيا و دنيوك من ي ارءامسا و تافص و تاذ

Мазмуни: “Ойна – махсус сайқалланган жисмдир. Завқ аҳлининг сўзларига кўра, ундан мурод, мазҳарият (зоҳир бўлиш макони ва замониға тегишлилик) жиҳати эътибори билан, комил инсон қалбидир. Зеро, зоту сифоту асмони ойна дейдилар ва бундай маъно тугал ва энг ёрқин мазҳарият касб этиши комил инсонда бўлади”.

“Миръоту-л-ушшоқ”да келтирилган изоҳ мазмуни бундай: Ойна – Ҳақ жамоли тажал-лийсининг аъёни собита (собит бўлган нарсалар) ва аквони ғайбиялар (ғайбий яратиклар) суратида зоҳирий жилोलанишидир. Байт:

ىئوت مك ىهلأ هممانءهخسن ىىئوت مك ىهالاش لامجءهنا ىا

Эй, шоҳлик жамолиға кўзгу – сенсан,

Ва эй, номаи илоҳийнинг нусхаси – сенсан [Бертельс 1965:133].

Маълумки, мумтоз адабиётимизда кўзгу билан баробар унинг ойна ва миръот каби маъ-нодошлари ҳам қўлланади. Булардан ташқари, соя, сурат ва сув каби тимсоллар маъноси ҳам моҳият эътибори билан тасаввуф адабиётида кўзгуга яқин туради. Алишер Навоий ҳам та-саввуф адабиётининг намояндаси сифатида бундай тимсолларни асосан сўфийлик таълимо-тига мувофиқ тарзда қўллайди. Кўзгу тимсоли шоирнинг кўплаб ғазаллари қатори “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий” ва “Лисон ут-тайр” дostonларида уларнинг ғоявий-бадий тақомилини таъминлашга, мавзуни янада теранроқ ва чуқурроқ очишга хизмат қилади. Ле-кин бу тимсолнинг моҳияти “Хамса”нинг очкич дostonи “Ҳайрат ул-аброр”нинг биринчи муножотида баён қилинади:

Жилваи хуснунгга чу йўқ эрди ҳад,

Кўзгу керак бўлди анга беадад.

Очти бу гулшанники рангин эрур,

Ҳар гул анга ойинаи Чин эрур.

Жилваи хусн ўлғали зоҳир анга,

Бўлди бу миръот мазохир анга.

Восита бу эрдик қилдинг тамом,

Кўкни тўқуз лавҳаи ойинафом.

Бўлди сафо важҳида ҳар ахтаре

Кўзгу киби хуснунг учун мазҳаре.

Меҳр юзин ойина ранг айладинг,

Юзда кусуфин анга занг айладинг.

Кўкни қилиб сафҳаи мину киби,

Айладинг ул сафҳани кўзгу киби.

Боғчасин даҳрнинг эттинг назих,

Панжараси бўлди мусаддас гириҳ.

Сунъунг этиб конни муламмаъгуҳар,

Хукмунг этиб тоғни мурассаъкамар.

Топти ёгин риштаси чун баҳри соф,

Ел илигин қилдинг анга ҳуллабоф.

Ел била чирмаштурубон тийра гард,

Чархдек эттинг ани гети навард.



Мунча ғаройибки мисол айладинг,

Борчани миръоти жамол айладинг [Алишер Навоий 2011:14-15].

Бинобарин, Тангри таолонинг ҳусни жилвалари шунчалик кўп ва такрорланмас эдики, уни намоён қилиш учун беадад кўзгу керак бўлди. Яратувчи шу мақсадда турфа рангдаги олам гулшанини яратди ва бу гулларнинг ҳар бири бир Чин ойинаси каби эди. Улар Яратувчи ҳусн жилваларини зоҳир қилувчи (*мазҳар*, кўплиги *мазоҳир*) кўзгу бўлди. Кўк тўққиз кўзгумисол лавҳа каби эди. Улардаги ҳар бир юлдуз кўзгу каби мазҳар этилди. Куёш юзи ойинаранг, у тутилганда юзига тушган доғ занг эди гўё. Кўкни У шишаранг саҳифа кўзгу каби қилди. Олам боғи покиза, панжаралари олтибурчак гириҳларга, санъат билан конлар ярқироқ гавҳарга, тоғлар гавҳарлар билан безалган камарга ўхшайди. Ёғинлар ришта (тола) лари соф дарёлар, ел қўли ипакдан мато тўқувчи мисоли эди. Чанг-тўзон ел билан чирмаштирилиб дунё тугуни яратилди. Шунча ғаройиб мисолларнинг ҳаммасини Яратувчи ўз жамолига кўзгу бўлиши учун яратди.

Бундай фикрлар Навоийгача ҳам бор эди. Жумладан, Ибн ал-Арабийнинг “Фусусу-л-хикам” асарига ёзилган машҳур шарҳлардан бирининг муаллифи Хожа Муҳаммад Порсо томнидан кўзгу шундай талқин қилинади: “Худованд Ўз ҳусни ошиғи бўлиб, уни кўриш учун кўзгу лозим бўлди ва бу кўзгу ҳақиқати Муҳаммадий бўлди: *كالف الة تنقل خ امل كالف ول* – Сен бўлмаганингда оламларни яратмас эдим”... “Малак оламининг ибтидоси Арш ва Курсийдур. Унсурий жисмлар, маъданлар, ўсимликлар ва ҳайвонлардан таркиб топган суратлар (шакллар) бу оламнинг интиҳоси. Оламнинг Ҳаққа нисбати ва Ҳақнинг оламга нисбати кўзгу ва унга назар солувчи кабидирки, олам Ҳақ руҳи ва Ҳақ олам руҳидир”¹. Шунга ҳамоҳанг тарзда Абдурахмон Жомий ўз “Шарҳи рубоийёт”идаги бир рубоийда шундай ёзган эди:

Аъён ҳама ойинаву Ҳақ жилвагар аст

Ё нури Ҳақ ойинаву аъён сувар аст.

Дар чашими муҳаққиқ, ки ҳадиду-л-басар аст,

Ҳар як з-ин ду ойинаи он дигар аст².

Мазмуни: Аъён (мавжудотлар) ҳаммаси кўзгу ва унда Ҳақ жилвагардир (тажаллий). Ёки Ҳақ нури кўзгу ва аъён тасвирлардир. Ҳақиқатни ажратувчи кўз – ҳадиду-л-басар (темир ойнадек ўткир кўрувчи кўз) экан (кўрадики), бу икки кўзгудан ҳар бири бошқасининг кўзгусидир³. Демак, яратикларнинг ҳаммаси Ҳақ вужуди (мавжудлиги)нинг кўзгуси экан, Борлиқнинг ҳақиқати бўла олади. Зеро, Борлиқ Ҳақ вужудидан айри бўлган нарса эмас, балки унинг мазҳари ҳисобланади. Бу ерда баъзи тадқиқотчиларнинг ваҳдату-л-вужуд таълимоти борасидаги қарашларида чалкашлик борлигини ҳам эслаб ўтишни лозим топамиз.

Абдурахмон Жомий яна бир рубоийсида шундай ёзади:

Аъён ҳама шишаҳои гуногун буд,

К-афтода бар он партави хуршеди вужуд.

Ҳар шиша ки буд сурх ё зарду кабуд,

Хуршед дар он ҳам ба ҳамон ранг намуд⁴.

Мазмуни: Аъён Вужуд куёшининг нуридан мутажаллий бўлган (нурланган) турли шишаларга ўхшарди. Ҳар бир шиша (ҳар бир ашё) қайси рангда (қизил, сариқ, кўк) бўлса, Куёш (нури) ҳам унда ўша рангга кириб зоҳир бўлади.

Жомийнинг мазкур рубоийсида Ибн ал-Арабий таълимоти талқин қилинган, унга кўра, Илоҳий нур ўз табиат ва тақозосига кўра ашёларга бир хил ҳолатда, бир хил рангда тажаллий этади. Бу ўринда, табиийки, хилма-хиллик, ва рангорангликдан муназзаҳ бўлган Илоҳий Нур қандай қилиб бир вақтнинг ўзида ашёларда турли рангларда зухур этиши мумкинлиги савол остида қолади. Ибн ал-Арабий ва унинг издошлари бу саволнинг жавобини мантиқ ва тасаввур доирасига сиғдириш мақсадида табиий ҳодиса – Куёшнинг нур сочиш ҳолтига мурожаат этиб, оламдаги мавжуд ашёларни турли ранглардаги шишаларга ўхшатганлар. Табиийки, Илоҳий Нур ақл-идрок билан тасаввур қилиб бўлмайдиган бир рангга – ўзининг ягона рангида устувор ва собит туради. У жуда ҳассос ва нозик, аммо ўзгарувчан эмас. У на

1 54. ص. 1344، نارمت ىءالكش ناد رشن زكرم :نارمت – مكح ال صوصف حش. اسراب دمحم هجاوخ

2 ЎзР ФА ШИ Кўлөзмалар хазинаси, PN 1331 рақамли кўлөзма. – В.605⁶.

3 Ўша жойда.

4 Ўша жойда.



шароитга қараб ўзгаради, на шароит уни ўзгартира олади. Аммо шишалар ҳар хил бўлиши мумкин. Уларнинг ранги, ҳажми, шакли, жойи, табиати, умуман, хусусият ва моҳияти бир-биридан фарқ қилади. Демак, уларда Илоҳий Нурдан тараладиган файзни қабул қилиш имконияти ва қобилияти ҳам ҳар хил бўлиши мумкин.

Кўриниб турганидек, агар Аллоҳ таъоло вужудидан мақсад Унинг зоти бўлса, унда аҳли суннат ва-л-жамоат ақоиди нуқтаи назаридан бу масала бир оз бошқачароқ талқин этилади, яъни аён Аллоҳ таъоло вужудидан айри эмас, аммо уларни Унинг айни ўзи деб ҳам бўлмайди. Жомий ҳам аҳли суннат ва-л-жамоат намояндаси сифатида аённи Ҳақ таъоло вужудининг айнан ўзи эмас, балки унинг “зоҳири”, деб ҳисоблайди. “Аллоҳ таъоло вужудининг зоҳири” деганда Жомий Аллоҳ таъоло Зотининг эмас, балки сифатларнинг борлиқда тажаллий этишини кўзда тутди. Натижада, юқоридаги фикр ҳанафия мазҳаби ақоидига ҳилоф эмас, балки айнан у билан бир хил бўлиб чиқади. Зеро, “Аллоҳ таъолонинг сифатлари зотининг айни ўзи эмас, лекин зотидан бошқа ҳам эмас” [Иброҳим ал-Бурсавий 1999:20].

Шу ўринда эслаш ўринлики, олимлар орасида ваҳдату-л-вужуд назариясини пантеизм билан бир хил кўриш ҳолатлари мавжуд. Тўғри, бу икки назария ўртасида фақат сиртдан қараганда ўхшашлик бордек кўринади. Лекин улар моҳиятан бир-биридан кескин фарқланади. Пантеизмда ҳамма нарса Худо деган концепция бор. Пантеистларнинг фикрича, табиат ва Худо бир вужуд. Ваҳдату-л-вужудда Худо ва нисбий борлиқ ажратилади. Худо Ҳақиқий (Мутлақ) борлиқ сифатида табиатдан ташқарида мавжуддир. Табиий (нисбий) борлиқ Унинг ижоди, тажаллийси сифатида талқин қилинади. Ваҳдату-л-вужуднинг машҳур намояндаларидан бири Садриддин Қунавий ўзининг “Миръоту-л-орифин” (Орифлар кўзгуси) рисоласида: *تسا ا م س ق و د رب م ل ا ع ك ن ا د ب* «*قلخ ملع و رم ملع :تسا ا م س ق و د رب م ل ا ع ك ن ا د ب*» (Билгилки, олам икки қисмдан иборатдир: амр олами ва халқ (яратилмиш) олами) деганида бу қарашни таъкидлаганини кўриш мумкин. Ислом уламолари қабул қила олмайдиган таълимот пантеизмдир. Пантеизм мусулмонлар орасидаги ваҳдату-л-**мавжуд** (мавжуд ягоналиги) таълимотига мувофиқдир. Бу таълимотда асосий ғоя *ال لا ا د و ج و م ال* (Аллоҳдан бошқа мавжудлик – вужуд йўқ) калимаси орқали ўз ифодасини топади. “Илоҳ” ва “мавжуд” тушунчалари бир бирига зиддир. Ваҳдату-л-вужудда табиий борлиқ нисбий, ҳақиқий бор бўлиш фақат Аллоҳга хос. Ваҳдату-л-мавжуд Аллоҳга ҳамма нарсани шерик қилиш (ширк) орқали мусулмонлик эътиқодига мутлақо зид таълимот. Ваҳдату-л-вужуд эса ниҳоятда чуқур фалсафа, назария. Бу фалсафада “Ҳамма нарса Ундан” тушунчаси билан бирга “Ҳамма нарса Удир” тушунчаси қўлланилса-да, бунда фақат Аллоҳнинг сифатларига эгалик фикри мавжуддир. Жисм ва соя ёки сув, зот ва тажаллий, шунингдек, кўзгу каби тимсолларга кўп урғу берилиши бунинг исботидир.

Сўфийлик адабиётида кўзгу тимсоли турли бирикмаларда хилма-хил талқинларда қўлланади: ойинаи жон – жон кўзгуси (ёр юзи), ойинаи гул – гул (юз) кўзгуси, ойинаи дил – кўнгил кўзгуси, ойинаи ҳастий – борлиқ кўзгуси, ойинаи гетинамо – жаҳоннамо кўзгу, ойинаи жамол – зухур мартабаси ва сифотий тажаллий, ойинаи вужуд – вужуд кўзгуси. Шунингдек, миръоту-л-ҳазратайн – зотнинг (Оллоҳ зоти) барча сифатлари билан намоён бўлиши, миръоту-л-ҳақ – Ҳақ мазҳари бўлган комил инсон, миръоту-л-кавн – ваҳдоний мусаффо вужуд, миръоту-л-вужуд – ботиннинг сурат билан боғлиқлигини белгиловчи вужуд, чунки у вужуд мартабасининг сурат томонидан белгиловчи кўринишидир. Бу ибораларнинг ҳаммаси ҳам Навоий дostonларида қўлланмаса-да, бу тушунчалар у қўллаган тимсоллар моҳиятида аҳамиятга эга.

Умуман, мухтасар қилиб айтиш мумкинки, тасаввуф адабиётида Алишер Навоий Ибн ал-Арабий, Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий, Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий ва бошқа салафларининг анъаналарини кўзгунинг мазмун-моҳияти нуқтаи назаридан давом эттирган бўлса-да, ўз дostonларида бу тимсолга композицион ва адабий эстетик жиҳатдан катта вазифа юклаганини эътироф этиш лозим. Бу ҳолатнинг ёрқин намоён бўлишини дастлаб “Фарход ва Ширин”нинг XIX бобида кўриш мумкин. Унда кўзгу, сиртдан қараганда, тилсим воситаси сифатида вазифа бажаради. Айтиш мумкинки, асарда тугун ҳам, воқеалар ривожини ҳам, ечим ҳам шу воситага боғлиқ ҳолда ташкил этилади. Бу дostonнинг Навоийгача Низомий Ганжавий ёки Хусрав Дехлавий томонидан яратилган “Хусрав ва Ширин” вариантларида бундай таянч-асос восита мавжуд эмас эди. “Фарход ва Ширин”да кўзгу тимсолининг марказий ўринга олиб чиқилиши муаллифнинг мутлақо янги ижодий усул ва концепцияга эга эканини кўрсатади.



“Фарход ва Ширин” достонини монографик тадқиқ қилган Содир Эркинов унда шоир амалга оширган янгиликларга, шунингдек, туркий ва форсий тилларда вужудга келган “Фарходнома”лар ёки “Ширин ва Фарход” достони ҳамда Фарход ҳақидаги қиссаларга муносабат билдирган И.С.Брагинский, Ҳ.Арасли, Н.Арасли ва Э.Рустамов каби олимларнинг фикрларини таҳлил қилган эди [С.Эркинов: 1971]. Хамсачиликда бу достон ўрнида салафлари томонидан яратилган вариантлардан “Фарход ва Ширин”нинг фарқи хусусида фикр юритган профессор Нурбой Жабборов асар номига Фарходнинг олиб чиқилишидаёқ Навоийнинг ижод мезони маълум бўлганини таъкидлайди: “Низомий-Ганжавий, Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомийдай буюк ижодкорлардан кейин хамсачиликни янги босқичга олиб чиқиш осон бўлмагани аён. Ҳазрат Алишер Навоий буюк салафларини такрорлаш у ёқда турсин, уларга айрим эътирозларини ҳам билдиради [Н.Жабборов 2021:181-182].

Маълумки, Фарход “шабоб гулшанига етганида “дард хорлари”га йўлиқиб, “булбулдек шавқ ўти хорхоридин фиғон” қила бошлайди. Хокон бу ишдан дилтанг бўлади ва бунинг чорасини кўра бошлайди. “Зухалваш саркор ва Аторудсон меъмор таъйин қилиб” бетимсол тўрт боғ ва тўрт қаср бино қилади, уларнинг ҳар бирида ота ва ўғил уч ойдан истироҳат қилади, бироқ булар билан Фарходнинг кўнглига таскин етмайди, “мурод эшиги” очилмайди. Хокон ўғлига ўз тож ва тахтини инъом қилади, Фарход эса “тож соясидин бошин кочуруб, тахт поясидин аёғин яшуруб”, бошини Хокон тахти аёғига қўйиб узр айтади, яъни уларни ҳам рад этади. Сўнгги чора сифатида Фарходга ғаройиб хазина тақдим қилинади. У ерда Фарходни қизиқтирган сирли сандиқ очилганда унда турган Искандар ойнасигина ниҳоят уни ўзига жалб этади.

Фарходдаги дилтанглик сабаби достонда очиқ-ошкор айтилмайди. Бунга фақат ишоралар берилади. Бу тасвирлар ва ишораларнинг ҳаммаси рамзий, мажозий характерга эга. Биз уларнинг ҳаммасини бир мақолада, унинг ҳажмидан келиб чиқиб, талқин қилиш имконимиз йўқ. Лекин биргина ҳақиқат уларнинг ҳаммасини тушуниб олишга етарли бўлади. Бу Фарходнинг кайфиятидаги шароитга номувофиқ ҳолатнинг намоён бўлиши ва фақат кўзгуғина унда қизиқиш уйғотиши билан боғлиқ ҳақиқатдир.

Бу ҳақиқатни шундай тушунтириш мумкин. Инсонда азал-абад билиш-англаш эҳтиёжи мавжуд. Бу эҳтиёж онг билан ўзаро мутаносибликда даражаланиб боради. Яъни онг қанча ривожланса, билиш-англаш эҳтиёжи шунча кучаяди. Бу эҳтиёжнинг олий даражаси ўзини билиш ва оламни англашга бўлган хоҳишда кўринади. Солиқ тариқатга ана шу талаб сабаби билан киради. Шунинг учун сўфийларнинг энг кўп такрорлаган ва ўз камоллари учун муҳим деб билган мезонлари *مبر ملع مسفن ملع نم* (Ким ўзини билса, раббини билади) ҳадиси орқали ифодаланади. Фарход етарли тайёргарликка эга бўлгач, ундаги эҳтиёж олий даражага етиши ва бу унга кучли азият етказиши аниқ эди.

Бу яна-да соддароқ ифодаланса, Фарходнинг “шабоб гулшанига” – йигитлик, балоғат ёшига етиб, яъни камолга етганида кўнглида ўзини, ўзининг оламдаги ўрнини билиш хоҳиши мавж уради. Бу хоҳиш шуқадар кучли эдики, бу йўлда Фарходга отаси ва бошқа мулозимларнинг кўрсатган марҳаматларию илтифотлари, умуман, ҳеч нарса тўсиқ бўла олмас эди. Бу хоҳишни қондириш учун унга биргина восита лозим эди. Буни Одам Атода содир бўлган Ҳавво истагига ўхшатиш ҳам мумкин. Фарход тинимсиз ўша воситани излар эди. Шунинг учун ҳам, у “ғаройиб хазойин”да соф биллурдан ясалган сирли сандикни кўриб қолиб, уни очиб кўришдан қанча қайтаришга уринмасинлар, “хавас савдосини зиёда” қилади ва дейди:

Деди: «Ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.
Улум ичра манга то бўлди мадҳал,
Топилмас мушките мен қилмағон ҳал.
Мунинг ҳам билмагунча аслу будин,
Муайян қилмағунча тору пудин.
Не имконким қарор ўлғай кўнгулга,
Тасалли ошкор ўлғай кўнгулга»¹.

Мазмуни: Фарход деди: Одамизод не ишки қилган бўлса, уни тафаккур – фикр юритиш билан билгандир. Мен илмларга шу қадар киришдимки, мен ҳал қилмаган муаммо топилмайди. Бу сирнинг ҳам аслини билиб, ўриш-арқоғини муайян қилмагунимча кўнгулга қарор

1 *تنگشائات. نتم ىديقنت ىملع. نىرىش و داهرف. ىياون ريشىلع*



ва тасалли бўлишига имкон йўқ.

Академик Азиз Қаюмов “Фарҳод ва Ширин” сирлари” китобида: “Ойина сирини билишга интилиш Фарҳод характерининг моҳиятидан келиб чиқади. Илмий билимларининг мукамаллиги Фарҳодга илмий тафаккур маҳсули бўлмиш шу ойинанинг сирини ўрганишга қизиқиш уйғотади”, деб ёзади [А.Қаюмов 1979:66]. Ҳақиқатан, дostonда кўзгу Искандар Зулқарнайн ташаббуси билан олимлар томонидан яратилгани таъкидланади. Шу билан бирга унга шоир томонидан юкланган тасаввуфий назариялар ифодаси ҳамда чуқур ўйланган бадиий усулни юзага чиқарувчи восита вазифасини ҳам юкланган. Бинобарин, Фарҳоднинг кўзгуга қизиқиши сабабларини таҳлил қилишда уларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш зарур.

Шу ўринда Азизиддин Насафийнинг қуйидаги сўзларини эслаш ўринли: “...Шундай солиқлар борки, уларнинг қалб ойнаси ҳайрат аҳли билан пайваста бўлиши мумкин. Аммо уларнинг қалб ойнаси ақл ва нафс билан, уларнинг баъзилари баъзилари билан муносабат пайдо қилиши ҳам мумкин. Ва инсон қалб ойнаси комилдур.

Аммо жoми жаҳоннамо ва ойнайи жаҳоннамо (оламни акс эттирувчи ойна) одамийга хосдир. Мавжудот тизими одамизод билан ўз якунига етади, одамизод мавжудотнинг энг юксак кўриниши бўлди, баъзида энг сўнгги яратилган вужуд Одам эканлиги билан бу ойна мукаммаллашди.

Эй дарвеш, одамни яратишдан мақсад комил инсондур. Яъни: биз одам жoми жаҳоннамодир ва унда поклик ва софлик намоён бўлади деганимиз – бу бир нурдир, бизнинг муродимиз комил инсондир” [Насафий Азизиддин 2019:39].

Дostonда Фарҳоднинг комиллик йўлида эканлиги унинг сўзларидан маълум бўлмоқда. Демак, кўзгу адабий нуқтаи назардан англашилган тилсим тимсолигина эмас, ўз-ўзини идрок этиш воситаси ҳамдир. Зеро, комиллик йўли идрок этиш тадрижидир. Ўзни ёки оламни идрок этиш – билиш, англаш муайян чегарада эмас, бир неча босқичларда эгалланади. Шунинг учун ҳам, Фарҳод кўзгуни қўлига олиши билан уни ўзи истагандай кўра олмайди, сирига ета билмайди. Шоир бу кўзгу сирини дарҳол очмайди, “Ҳақимиким нигор айлаб тирозин, Ёзиб кейнида махфий борча розин”, дейиш билан воқеани ривожлантиради. Кўзгу кейнидаги (орқасидаги) махфий роз очкичи мазмуни шундай эди: “Бу миръот гетинамо (жаҳоннамо)дир, ундан куёшники қадар нур таралади. Уни Искандар Румий Афлотунга баробар коинот аҳволдан воқиф жаҳон файласуфлари тўрт юз донишманд билан жидду жаҳд қилиб жаҳон аҳлига ёдгор сифатида яратгандир. Кўзгу санъатига ўша донишмандларнинг фалаклару юлдузлару замин ҳаракати билан боғлиқ барча билимлари юз кўрсатади. Бир неча йиллар олимларнинг ранж тортишлари билан бу пайкар нақш бўлди – катта жисм яратилди... Унда Тангри ғайб сирини ошкор қилиб, кўрувчининг бошига тушадиган тақдирни кўрсатади. Лекин уни очмоқ жуда мушкулдир... Муаммонинг ҳал қилиниши учун киши ҳикмат кишвари Юнонга бориши керак...

Тоши ҳикмат элининг дурри тожи,

Гиёҳи борча иллатлар иложи.

(У ернинг тоши – ҳикмат соҳибларининг тожларига дур, гиёҳлари барча дардларга даво бўлади).

Юноннинг шимолида бир тоғ бор, тоққа уч манзил йўл қолганда икки офат юзма-юз келади. Тангри қаҳридан яратган биринчи манзилда аждаҳога; иккинчисида бедоду офат одати бўлган Аҳраманга дуч келинади. Бу манзиллардан ўтилгач, айтиб ўтилган тоғ ичида ҳижрон тунидек тийра ғор, ғор ичида замона Букроти Сукроти ягона бор. Агар хирадмандлар доноси Сукрот тирик бўлса, борган кишининг муаммосини ечади, агар ҳаёт бўлмаса, киши ўз муаммоси билан унинг руҳига юзлансин, муаммоси ҳал бўлади”.

Бу эпизодга кенгрок тўхталишимиз сабаби шуки, тимсоллар орқали асар тугунини ифодалаш усули жаҳон адабиётида, муаллифлар бадиий тафаккурида ҳамма замонларда кўзга ташланиб туради. Бунга биргина яққол мисолни келтириш мумкин. Бу Оноре де Бальзакнинг “Сағри тери тилсими” (La Peau de Chagrin) романи бош қаҳрамони Рафаэл қўлига тушиб қолган теридаги ёзувдир. Навоийнинг бадиий тафаккури ноёблигини шу эпизодлардаги ўхшашлик ҳам тасдиқлайди.

Шундай қилиб, хатни ўқигач, Фарҳодда кўзгунинг сирини тўла очишга кучли иштиёқ пайдо бўлиб, отаси ҳар қанча манъ қилишга уринмасин, Юнон сафарини ихтиёр қилишга мажбур бўлади.

Нечаким шоҳ кўпрак тутти мавқуф,



Вале шахзода кўпрак бўлди машъуф.
Ўғулға гарчи мушкул ҳол тушти,
Атоға саъброқ аҳвол тушти.
Ўғулға юзланиб андоқ суубат,
Атоға андин ортуғроқ уқубат.

XXI бобда хоқоннинг ўғли ва сипоҳи билан ноилож Юнон сафарига чиқиб, кўзгуни очиш шартлари тўлиқ адо этилиши тасвирланади. Бу ерда кўзгу сири орқали Фарҳод об-разининг ҳам қатор жиҳатлари очилади. Энг аввало, Фарҳоднинг айнан Юнон юртига бо-ришга “мажбур қилиниши” эътиборга молик. Чунки фақат Юнон юрти тарихда, аниқроғи ваҳдатул-вужуд назарияси асосчилари ва улуғ намояндалари томонидан ҳикмат билан “зебу зевар топган” мамлакат, “ҳикмат кишвари” – ҳакимлар ўлкаси сифатида тавсифланган. Ҳакимлар “ашколи афлок” – фалаклар тарҳини, йўриғини унинг ҳар бир ҳовуч тупроғига жо қилганлар, яъни у ерга қадами етган киши олам сирларини англаб олади, ҳакимлик да-ражасини топади. Фарҳоднинг ана шу юртга олиб борилиши унинг ҳаким даражасига олиб чиқилиши учун амалга оширилган. Навоий наздида ҳакимлик жуда юксак мартаба эди. Буни тушуниш учун шоир тафаккури ва дунёқарабини шакллантирган манбаларга мурожа-ат қилиш керак. Улардан асосийси Қуръони Каримдир. Муқаддас китобда ҳаким сўзи жуда кўп ўринда қўлланади. Баъзи ўринларда у Қуръоннинг мақомини англатса, бошқа жойди Аллоҳ сифатини билдиради. Масалан, 31-суранинг (Лукмон) 2-оятида: *بَتَكُنْ لَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَ كَلْت* – Ушбулар ҳаким китоб оятларидир, дейилади. 3-оят мазмунида у китоб оятлари муҳсин (гўзал ахлоқли)ларни ҳидоят (тўғри йўл)га бошлаб (Аллоҳнинг) раҳматига сазовор қилиши таъкидланади. 48-суранинг (Фатҳ) 4 оятида: *وَأَمَّا كَلِمَاتُ الْإِسْلَامِ* – Ва Аллоҳ билув-чи ва ҳаким (зот)дир ёки 7-оятида: *وَأَمَّا كَلِمَاتُ الْإِسْلَامِ* – Ва Аллоҳ Азиз (иззатли) ва Ҳаким зотдир, дейилади. Қуръони Карим таржимонлари “ҳаким” сўзини “ҳикматли” деб таржима қиладилар. “Ҳикмат” чексиз кенг ва чуқур билимни англатади, лекин унда сирлилиқ маъно-си ҳам, “ҳукм чиқаришга асос” мазмуни ҳам бор. Бунга “Лисону-т-тайр” достонида Симурғ (Ҳақ таоло) ҳақидаги қуйидаги байтларни мисол тариқасида келтириш мумкин:

Ҳикматидин воқиф эрмастур киши,
Бўлмади бу иш кишининг чун иши.
Иш эрур улким, ўзи они қилур,
Ҳикмат улким, ҳам ўзи они билур.

Алишер Навоий наздида, ҳакимлар пайғамбарлардан кейинги мақомда турувчи зотлар-дир. Мутафаккирнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида уларни бир жойга жамлаш ҳам шундан далолат. Фарҳодни пайғамбар даражасига кўтариш мумкин эмас эди, лекин уни бошқа хамсанавислар қаҳрамони шоҳ Хисравдан ортиқ даражага қўйиш ҳам керак эди. Бу фикрни адабиётшунос Сувон Мелининг “Фарҳод ва Ширин” достони насрий баёнларида келтирилган бир байт устидаги кузатувлари ҳам тасдиқлайди: “Достоннинг I боби сўнгги байтида шундай бир улуғ фикр ўртага ташланади:

Бўлай усрукки, Бор оллида бир жав,
Демай Фарҳоду Ширин, балки Хисрав.

Байт шундай насрий баён (Фарҳод ва Ширин. Тошкент, 1956. Насрий баён муаллифи Ғафур Ғулом; 655-бет) қилинади: “Шундай маст бўлайки, ўзимни унутай, чунки фалак олдида Фарҳод ва Ширингина эмас, балки Хисрав ҳам бир арпача кадрсиздир!” Кейинги насрий баёнда (Фарҳод ва Ширин. Тошкент, 1989. Олдинги нашр асосида насрий баённи А.Ҳайитметов тайёрлаган; 371-бет) байт сал ўзгариш билан қуйидагича баён қилинади: “Шундай маст бўлайки, ўзимни унутай. Чунки фалакнинг олдида Фарҳод ва Шириннинггина эмас, ҳатто Хисравнинг ҳам бир арпача қадри йўк!”

Ҳар икки насрий баёнда байт, демакки бутун асар ғоясига мутлақо зид маъно юзага қалқиб чиқади. Ҳазрат Навоийнинг идеал қаҳрамонлари – Фарҳод ва Ширин Хисрав билан тенг қўйилиб, Бор, яъни Яратган олдида арпача кадрсизлик Фарҳоду Ширинга насиба этилган. Иккинчи ҳолда хато янада чуқурлашган, энди Хисрав улардан устун мавқега қўйилган – “ҳатто Хисрав ҳам”.

Биламизки, Алишер Навоийнинг хамсачиликдаги буюк хизматларидан бири – Хисрав образи парадигмасида кескин инқилобий ўзгариш ясаганидир. Низомийда – “Хисрав ва Ширин, Хисрав Дехлавийда – “Ширин ва Хисрав” ва Навоий достони сарлавҳасида эса Хисрав йўк. Буюк салафларига қарата “Саросар бўлдилар Хисравга маддоҳ” дея “Фарҳод ва



Ширин”да унинг муаззам манфий образини яратади Ҳазрат Навоий.

Шундай экан, Яратган олдида нахотки Фарҳод ва Ширин Хисравга тенг равишда бир арпача қадрсиз бўлса? Байтнинг асл маъноси эса бундай: “Шундай маст бўлайки, ўзимни унутай, чунки Яратган, Бор олдида Фарҳод ва Ширин эмас – “Демай Фарҳоду Ширин...” – балки Хисрав бир арпача қадрсиздир” [Сувон Мели 2019].

Достонда Фарҳоднинг улуғланиши тасаввуфий талқинда амалга оширилади. Кўзгу сирининг Юнон диёри орқали очилиши тасаввуфдаги юнон файласуфлари қарашларининг қадрланиши билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам Навоий достонларида улардан бир нечтаси исми зикр этилади. Хусусан, “Фарҳод ва Ширин”да Арасту, Афлотун, Букрот, Сухайло ва Сукрот тилга олинади. Булардан ташқари, қадимги Эроннинг афсонавий донишманди ва мунажжими, Лукмоннинг шогирди, келажак воқеаларидан хабар қилувчи Жомосп ҳам донишманд сифатида эсланади. Навоийга кўра, ундан Сухайлога Жомоспнинг ўлимидан кейин ҳақимлар унинг айтганларини ёзиб қолдиришларича, юлдузи баланд Фарҳод ҳақида хушхабар етган, унинг қисқача мазмуни шундай: минг йилдан сўнг Чиндан Юнонга бир Фарҳод деган йигит келади. У анча қийинчиликлардан сўнг Искандар тилсимини очади. Аммо унча Фарҳод аждарни ўлдириб, бебаҳо хазинага эга бўлади. Сўнггра Аҳраман девни қатл этиши керак, буни бажарганда Сулаймон пайғамбарнинг мўъжизакор узугини қўлга киритади. Бу ишларда Сухайло унга мададкор бўлсин. Тилсимни очганида Жамшид жомига эга бўлади. Буларни Фарҳод Ҳоконга бағишласин, унга эса Сукротни кўриши ва Искандар ойнаси кифоядир. Сукротдан иш талқинини эшитиб, яна кўзгуга қараш учун Чинга йўл олади. У кўзгуда нени кўрса, даврон бошига келтиради.

Юнон ҳақимлари Сухайло ва Сукрот достонда муҳим персонажлар сифатида гавдалантирилган. Сухайло исмида икки маъно яширин. Аввало, Сухайл номли ёруғ юлдуз (Канопус) номидан олинган. Ўрта аср мунажжимлари бу юлдуз яхши таъсир кўрсатади, деб билганлар. Достонда у Сукрот каби ғорда яшайдиган донишманднинг исми. Бу образ Фарҳодга кўзгу сирини англаш йўлида бутун борлиғи билан ёрдам беради. У манзиллардаги хавфлардан огоҳ қилиш билан бирга муаммоларни ечишда Фарҳодга йўл ҳам кўрсатади, аждархо билан жангда оловдан сақланиш учун бир идишда, афсоналарга кўра, оловда туғилиб, олов ичида яшаб ўтадиган самандар деб аталувчи кичик бир жонивор ёғини беради. Ундан бадан ва қўлларга суртилса, олов таъсир қилмас экан.

Бундан ташқари, у Фарҳод Аҳраман девни ўлдирганда унинг бўйнидаги лавҳни олиб ўқиши ва унга амал қилиши зарурлигини ўргатади. Чунки тилсимни қандай очиш ҳақидаги барча азиз чин сўзлар бир кумуш тахта устига ёзилган бўлади. Ундаги тилсимдан Жамшид жомини топиш мумкин эди. “Жом атрофидаги Искандар Румий нақшлаб кетган ёзувларни ўқисанг, Сукрот ҳақим ҳақидаги маълумотни билиб оласан”, дейди у. Ўз вазифасини бажариб бўлгач, Сухайло “жонини Ҳаққа таслим” қилади.

Фарҳод кўзгу шавқи билан олдиндаги бу хавфларни енгиб ўтади. XXII бобда у аждаҳони маҳв этиб, у яшайдиган ғордан Афридун хазинасини топади, унинг барча бойликларини отаси ва қўшинга ҳадя қилади. XXIII бобда Аҳраман устига худди шундай шижоат билан от суриб, у ерда Сулаймон узугини қўлга киритади. Кўзгу тилсимини охиригача аниқлаш йўлида Фарҳод давом этади. XXIV бобда у Хизрга йўликади. Бобда юқорида таъкидлаганимиздек, Фарҳод тимсолининг сири ёрқинроқ очилади. Буни боб мазмунига йўлланма бўлган насрий сарлавҳаданок англаб олиш мумкин: “Фарҳоднинг Сукрот тоғи тилисмин очарға камар боғлаб ҳайвонваш чашма теграсидаги марғзори ахзарда Хизр мулоқотидин сарсабз бўлғони ва Хизр анга Хизри раҳ бўлуб ғам зулумотидин чиқориб, ҳаёт суйидек таълимлар била тоза ҳаёт берғони ва ғам тилисми анинг кўнглидин очилғонидек анинг тилисми ғамидин кўнгли очилғони ва Хизрнинг жисми тилисмида равшан кўнглидек тилисми жисмида жоми жаҳоннамоёй топғони ва ул жомға Хизр суйидек май солиб Сикандар ёди била нўш этғони”.

Мазмуни: Фарҳоднинг Сукрот тоғи тилисминини очиш учун камар боғлаб ҳаётваш чашма атрофидаги яшил майсазорда Хизр мулоқотидан шод бўлгани Хизр унга йўл кўрсатувчи Хизр бўлиб ғам зулматидан чиқариб, ҳаёт сувидек таълимлар билан янги ҳаёт бергани, ғам тилсими унинг кўнглидан очилгандек унинг ғами тилсимидан кўнгли очилгани, Хизрнинг жисми тилсимида равшан кўнглидек тилсим жисмида жоми жаҳоннамоёй топгани ва у жомға Хизр сувидек май солиб Искандар ёди билан ичгани.

Диккат қилинса, Фарҳоднинг камолоти ниҳоят даражада ортди. У Сукрот тоғи тилсимини



очишда Хизр ёрдамига мушарраф бўлмоқда. Хизр тасаввуф адабиётида пайғамбардир. Бу Навоий томонидан бобнинг бир байтида ҳам таъкидланади. Хизр суви – оби ҳаёт, муқаддас сув. Хизр чашмасида Фарҳоднинг ювиниши эпизоди орқали шоир унинг зоҳирида фариштамонанд покликка мушарраф бўлишини ифодалайди. Тасаввуфда зоҳир ва ботиннинг нисбати муҳим масалалардан. Жалолиддин Румийнинг кишини “Ё аслинг каби кўрин, ё кўринганинг каби бўл” деган ҳикмати ҳам шу масалага оид. Бу масала Азизиддин Насафийнинг мазкур рисоласида шундай талкин қилинади: “Ҳеч шубҳа йўқки, зоҳирнинг ботинга таъсирлари бор. Шунингдек, ботиннинг ҳам зоҳирга таъсирлари бор. Бас, донишманднинг суҳбатида риёзат ва мужоҳада таъсирида зоҳир тўғри бўлгандан кейин ботин ҳам туз бўлур. Зоҳир ва ботин туз бўлгандан кейин ботин икки олам аросида покланди. Бир томони шаҳодат олами бўлар, иккинчи томони ғайб олами. Яъни бир томон бадан – шаҳодат ва сезгилар оламига оид бўлса, иккинчи томон фаришталар ва пок руҳлар олами бўлмиш ғайб ва маъқулот оламидир. Ғайб оламига оид бўлган томон ҳамиша пок ва мусаффоидир. Ботинга у томондан ҳеч қачон заҳмат, зулмат ва кудурат етмас. Баданга оид бўлган томон шаҳват ва лаззатларга боғлиқ ва ҳирсу ғазабга асир бўлгани сабабли, тийра ва қоронғудир. Ботинни бу томон қоронғу ва зимистон тутар. Шу сабабдан, ботин фаришталар ва пок руҳлар макони бўлмиш ғайб олами томонидан илм ўзлаштириб, илоҳий маърифат нурларидан мунаввар бўлолмайди. Бадан пок ва мусаффо бўлган чоғда, ботин икки олам аросида покланар. Фаришталар ва пок руҳлар олами бўлмиш ғайб оламида нимаики бўлса, солиқнинг ботинида пайдо бўлур. Икки ғуборсиз кўзгуни бир-бирига қарама-қарши қўйилгани сингари, бу кўзгуда нимаики бўлса, нариги кўзгуда акс топар, нариги кўзгуда нимаики кўринса, бу кўзгуда жилваланар”[Насафий Азизиддин 2019:37].

Бу фикрлардан Сукрот ғоридаги зулмат моҳиятини ҳам тушуниш мумкин. Бу зулматни ёритишда Фарҳод жаҳоннамо жомии Жамшиддан фойдаланади. Дикқат қилинса, кўзгуда ҳам, жомда ҳам жаҳоннамолик уларнинг мукамаллиги омили сифатида талкин қилинади. Кўзгудан мақсад-мурод комил инсон экан, жомдан ҳам шу мурод бор. Достонда зулматни жом ўзидан порлаган нур чиқариш билан ёритиб юборади. Бу ботиний кўз билан олам сирларини кўра олишнинг рамзий ифодасидир. Булардан жомнинг мутлақо ботинийлик хусусияти маълум бўлади. Кўзгу эса мутлақ ботинийликка эмас, ҳам ботиний, ҳам зоҳирийлик хоссаларига эгадир. Хизрнинг таълими билан Фарҳоднинг жисми кўнгли каби жомии жаҳоннамога айланиши шундан далолат беради. Бу жомга у Хизр суви каби май солиб ичади. Тасаввуф адабиётида майнинг ишқ, ишқ нашъаси экани маълум. Фарҳод бутун борлиғи билан ишққа айланиб, ботин ва зоҳирда комиллик касб этади. Мана, Фарҳод образи тилсими қандай сирларга эга!?

Бобда яна бир кўзгу ҳақида қисқагина гап боради. Бу Сукрот ғорига юз қадам қолганда йўл устида учрайдиган тоштахта устига чиқиб тепилганда қалъа дарбанди очилиб, дарвоза ичидан кўринган, қўлида темир ўқ-ёйи бўлган, ичида ўт ёниб турган темир жуссали одам шаклидаги пайкар (ўрчинлук) – “темир одам” кўксига ойнади. Хизр Фарҳодга ўша ойнани ўқ отиб уриши лозимлигини, акс ҳолда ўзи “тириклик булбулидин холи” бўлиб қолишини уқтиради. Фарҳод Хизр айтганидек қилиб ўрчинлукни ҳалок қилади ва бу охириги муаммони ҳам ҳал қилади. Гап шундаки, пайкар кўксига ойнани сўфий ижодкорлар томонидан қўлланган мазҳар ёки қалб кабиларни ифодалаган анъанавий рамзга менгзаб бўлмайди. Бу ерда Навоий кўзгуни тириклик ёки жон учун тимсол қилиб олган, дейиш мумкин. Агар у қалб, кўнгил сифатида талкин қилинса ҳам, шоирнинг муддаосига путур етмайди. Унда қалб, кўнгил ҳар қандай одам қиёфасидаги вужудда мавжудлиги ва яқсон бўлган дил соҳиби заволи топиши муқаррарлиги таъкидланган бўлади. Шугина мазмун билан бу кўзгунинг вазифаси тугайди, Искандар ойнаси каби узок талкинларга эга эмас.

Кўзгу сирини англаш йўлининг охириги манзили Сукрот ҳузури эди. Достоннинг бошидан охиригача Сукрот ақл ва ҳикмат тимсоли сифатида, беназир хирадманд, бекиёс донишманд сифатида талкин қилинади. Унинг суҳбатига етган Фарҳод ҳам ўша фазилятларга эришгани, олам сирларидан тўлиқ воқиф бўлганини англатади. Дикқат қилинса, Сукрот аввалига кўзгу ҳақида ҳеч нарса демайди, балки Фарҳоднинг кўзгу сирига бўлган интилиши сабаби ишқ эканини ва ишқнинг моҳиятини тушунтириб беради. Дарҳақиқат, Фарҳод кўнгил эҳтиёжи туфайли кўзгуга боғланиб қолган эди. Кўнгил эҳтиёжи эса ишқ эди. Сукротнинг Хоқон ва унинг вазири Мулкорога қилган башоратлари ва тортиғи уларнинг кўнглларидаги – узок йиллар ҳукмдор ёки вазир, жангларда ғолиб бўлиш, кексалик ва дардмандликни ен-



гиш истаги эди. Унинг мана шу топқирлиги Фарҳоднинг ҳам кўнгил эҳтиёжига аниқ ташҳис қўйганини исботлайди.

Сукротнинг Фарҳодга айтган сўзлари Фарҳод Хитойга қайтиб ойнада кўрадиган тасвирларнинг талқини бўлиб яралади, унинг дастлабки сўзлари мазмуни қисман тубандагича: Эй азалдан яралиши ишқ боис дарду алам бўлган (йигит), хуш келдинг...

Шуни билки, жаҳон фонийдир, у ҳақиқат аҳлининг зиндонидир. Искандар мулки кўлингда бўлиб, Нух умрича ҳаётинг бўлса ҳам, барибир, кетмоқ борки, ҳаммаси бекор. Ҳақ инсонни яратган экан, бундан мақсади, инсоннинг Ҳақ амрига маъмур бўлиб, бошқа ишлардан ўзини маъзур тутишидир.

Ҳақиқий маҳбуб Унинг Ўзидир, Унинг васлига етмоқ учун йўлга кирмоқ керак. У маҳбуб васлига умид пайдо бўлишининг ўзи абадий иқбол ва бахтдир. Лекин бу жуда олий давлатки, унга етишни ҳаёл қилиш ҳам мушкул. Унинг йўлида беҳад дарду ғам бор. У ўзи икки қадам, лекин у икки қадамни босиб ўтмоқ учун минг йил керак бўлади. Бу қадамнинг биринчиси ўзлук (нафс)ни фоний қилмоқ, бири уни яна топмоқдир. Киши ўзлук (нафс)ни йўқотмасдан уни топа олмайди.

Нафсдан кутулмоқнинг чораси ишқи мажозийдир. Ғам шоми охирида аввал субҳ юз кўрсатиб, кейин Қуёш пайдо бўлади. Мажозий ишқ субҳ ёғдуси бўлса, ҳақиқий ишқ Қуёшга ўхшайди. Мажозий ишқ зору ғамноклик етказиб, ошиқ танини ҳасга айлантиради ва унга ўт етса, ўртанади. Жовидона ишқ чақини чақилса, ундан етган учкун уни кулга айлантиради.

Сенинг олдингда ҳам мажозий ишқ турибди. У жисмингни ўртаб овозангни уфқдан ўтказди, ишқинг ўти оламни, йўқ осмонни ёритади. Ишқинг ғамидан жаҳон, йўқ, тўққиз осмон тўлади... Мажозий ишқдан жонинг ўртанса, бор-будинг сели фанога кетади. Шунда ҳақиқий ишқдан сенга бир насим эсади ва ундан хушбўй таралади. Ҳақиқий маъшук чорасозинг бўлиб, мажозинг ҳақиқатга айланади. Мазҳар (зоҳир бўлган)га бошланган ошиқлигинг музҳир (зоҳир қилувчи)да ниҳоясига етади. Ана шунда бақо мулкида қаҳрамон ва ҳақиқат тахтида соҳибқирон бўласан.

Отангдек қанча хону султонлар жаҳон аҳли орасида унутилиб кетади, лекин сенинг сифатларинг ва ишқ тариқидаги яхши номинг жаҳонда унутилмайди...

Сукротнинг бу сўзлари Фарҳоднинг ишқ тариқидаги тақдири азал битигидан башорат бўлса, кейинги сўзлари кўзгу билан, шунингдек Юнон сафари билан бевосита боғлиқ: Сенга кўзгу иши ҳодис бўлиб, бу ерга келишингга сабаб бўлди. Бу ерда Искандар тилсимини очишга мушарраф бўлдинг, шунингдек, ўрчинлук кўксидаги ойнага ўқ отиб чилпарчин қилдинг. Бурунги кўзгу ашқингни сочган бўлса, бу ўқ унинг тилсимини очди... Энди уни бориб кўрганингда, орқасида ёзилганидек, юзи ҳамма сирни ошкор қилади. Уларни кўрганингда сенда ишққа мубталолик бошланади, бу ошиқлигинг ибтидоси бўлади. Кейин унга ҳар қанча қарасанг ҳам, бошқа нарса кўрмайсан. У сенинг бошингга келадиган тақдиринг бўлиб, аҳли тадбир унга чора топа олмайдилар...

Шундай қилиб, сафардан кўзланган мақсадга эришилади. Бундан ташқари, Сукрот ҳаким томонидан Фарҳоднинг ишқ қисматиға ҳукм ҳам ўқилади.

Достондаги ишқ талқини ибтидоий эҳтирослардан иборат эмас. Навоий асосланган манбаларда Илоҳ ҳақиқатини тушунишнинг интуитив, “олий ирфон” йўлини асослашга олиб келувчи Қуръон билан боғлиқ ғоялар ривожлантирилиб, Ҳақ таолога бўлган илоҳий ишқ тасаввуфий йўл (тариқат)нинг устивор ғоясига айлантирилган. Тасаввуфий адабиётларда тариқатда солиқ ҳолдан ҳолга, манзилдан манзилга, мақомдан мақомга то Ҳаққа етиб (васл мақомига), У билан бирлик ҳосил қилгунча (висол) ва Унга сингиб (фано), У билан абадий қолиш (бақо) мақомигача бўлган жараёндан ўтиши таъкидланади. Ҳақни топиш ва У билан топишиш (важд) жараёни ал-вожид – сўфиёна жазба ҳолида бўлишга ҳам диққат қаратилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ҳаққа Муҳаббат тушунчасининг таърифи асрлар давомида ислом тасаввуфи назариётчилари ва амалиётчиларининг биринчи даражали масаласи бўлиб келди, “Маҳбуб” томон юксалиш йўлидаги ўз ҳиссиётлари ва туйғуларини баъзан ёрқин, баъзан нозик фарқлар билан ақлга мос бўлмаган образларда ифода қилдилар. Фарҳод образи, шунингдек, кўзгу тимсолида ҳам шундай ҳолатларни кўриш мумкин.

Абдуллоҳ ад-Дамағоний ал-Бағдодий (478/1085 й.в.э.)нинг фикрича, “Муҳаббатнинг аввали – изтироб (ал-ҳасра), ўртаси – беморлик, охири – ҳалокатдир. Ким уни татиб кўрди – уни билди, ким уни билди – унга боғланди, ким унга боғланди – уни васф қилди”. (1576)

Муҳаббат (ал-маҳабба) тушунчаси мазмуни очилишининг яна бир воситаси сифатида



сўфийлар бу сўздаги ҳарфлар рамзийлигига мурожаат қилишади. Абул Хусайн Муҳаммад б. Аҳмад б. Шамъун ал-Бағдодий яширин маънони шундай тушунтиради: бу сўз тўрт ҳарфдан иборат – мим, ҳо, бо ва ҳе (марбута те). Мим – майл (мойиллик, яхши кўриш) сўзининг биринчи ҳарфи, шунинг учун ҳам унда Маҳбубга мойиллик (ал-майлу ила-л-маҳбуб) бор, чунки ошиқнинг бор ўй-хаёли, қалби, кўнгли Маҳбуб тоатига банд, унинг тасаввурида Маҳбубдан бошқа ҳеч нарса йўқ; ҳо – ҳанин (изтироб, нола, эҳтиросли истак) сўзининг биринчи ҳарфи; бо – боло (синов, андуҳ) сўзининг биринчи ҳарфи, унда “эҳтиросли ошиқлар юраги учун доимий синов” (ал-балоу-д-доиму ала-л-қалби хоим) бор; ҳе (марбута те) – хидойа(т) сўзининг биринчи ҳарфи. Зотан, ошиқ ўз Маъшуқига не чоғли мойил бўлса, Уни эҳтирос билан истаса, Унинг синовларига сабр қилса, шунга яраша У билан яқин муносабат (ал-муонаса), Унга гувоҳ бўлиш (ал-мушоҳада) манзилига хидоят йўлини топиш хизматини қилган бўлади [С.М.Прозоров 214/№5:258].

Кўриниб турганидек, Навоий Фарҳод образини ўзига мутасаввиф илоҳиётчилар томонидан ишлаб чиқилган ҳақиқий ишқ талқинларига мос равишда ривожлантириб боради. Сукрот сўзларида шоир ўзи таниш бўлган манбалардаги қарашларни бадиий рангин бўёқларда маҳорат билан ифодалаган.

Достоннинг XXVI бобида кўзгу билан боғлиқ воқеалар ниҳоялангандек бўлади. Аслида, кейинги воқеаларнинг ҳаммаси кўзгуда ошкор этилган тасвирларнинг Фарҳод ҳаётида жонланишигина эди, холос. Буни далиллаш учун Фарҳоднинг Хитойга келибок кўзгуга ружуъ қилиши, кўзгуда башоратлар тилсими очилгач, унинг аҳволини эслаш етарли. Чунончи, шахзода юртига қайтгач, хазинабондан калитни олиб, қанча манъ қилишлар бўлмасин, у кишининг такдирдан қочиб бўлмаслигини исботлаб, сандикни очади ва кўзгуни чиқаради. У куёш миръотидек нур сочар, Жамшид жомидек жаҳонни кўргизар эди. Фарҳоднинг кўнглига ҳайрат оташи тушиб, кўзгуга назар солади. Унда шундай бир дашт намоён бўлдики, саҳнида дард майсалари, наштаг гиёҳлари занг тутган, гуллари эл қонига бўялиб ранг тутган, сунбуллар бандлари занжир тузиб, гўё қарору хушни ов қилган каманд каби эди. Хуллас бу даштда бинафша ҳам, наргис ҳам, лола ҳам, тупроқ ҳам, бошқа бир қатор ундан унган ўсимликлару табиат ҳодисалари киши, хусусан ошиқ учун азоб беришга шай эди. Саргашталиклардан нишона қилиб, замона ҳар ёндан қуюн кўргизар эди.

Бу водийнинг бир четида ҳажр тоғи каби қаттиқ тоғ бор эди. Унинг оёғи ерга ботган, боши фалакка роз, сир айтиш учун чўзилган эди. Бу тоғнинг камаргоҳида жуда кўп одам тўпланиб, бир ариқ қазмоқ учун гўё хужумга чиққандек саф тортган. Ариқ тоғ камари шақлида узун эди...

Фарҳод ўша ариқ қазаётганлар орасида бир навжувон, навжувон эмас нотавон бир йигитни кўради. У одамларда ўз хунари, хусусан тешаварлиги билан ажралиб турарди. У ўз тимсоли эканини Фарҳод англайди. Шу пайт одамлар орасига отланган, ниҳоятда хушсуратлардан иборат бир гуруҳ келиб қўшилади.

Жабинлар гул-гулу кирпичлари хор,

Қабоғлар кенг-кенгу, оғизлари тор.

Уларга бир гулғузур шоҳ – раҳбар эди. Шоир бу гулғузур (Ширин)ни балоғат билан мадҳ, тавсиф қилади.

Саманди сайридин кўк тавсани ланг,

Қуёш рухсори оллинда хижилранг.

Қуёшга тарх учун ташлаб руху от,

Вале юз қатла ҳар соат қилиб мот.

Солиб оламга ўт бошдин-аёғи.

Жаҳон ўртаб аёғдин-боши доғи.

Бўлуб ул хайл ҳар бир уйлаким ой,

Бу ул хайл ичра меҳри олам орой.

У гўзал Фарҳод тимсолига яқинлашади. Шу пайт тимсол беҳолланади, яраланган сайд каби нола қилиб йиқилади. Фарҳод бу манзарага ҳавас қилиб, кўзгуни яқинроқ келтириб кузатади. Фарҳод ҳам ўз тимсоли каби нола қилиб, жисми жонидан холи бўлгандек йиқилади...

Достоннинг шу жойигача бўлган қисмини Фарҳоднинг кўзгу сирини англаш йўлидага ҳаракати босқичи, бундан кейинни эса кўзгу кўрсатган йўлдан мақсад сари бориши босқичи сифатида белгилаш мумкин. Лекин бу икки босқич бир-бирига шундай чамбарчас



боғлиқки, гўё бири иккинчисини ҳар бир эпизодда тақозо қилиб туради. Зотан, кўзгудаги башорат Фарҳод ва Ширин ўртасидаги оташин муҳаббат қисмати битилиши ифодаси бўлса, воқеалар давомидаги ишқ можаролари ўша қисматнинг дунёвий ҳаётда намоён бўлишидир. Бинобарин, икки босқич бир-бирига рўбару қўйилган икки кўзгуга қиёсланса бўлади.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тасаввуф адабиётидаги кўзгу тимсоли моҳияти Алишер Навоий томонидан жуда юқори поғонага кўтарилди. Шу билан бирга, бу тимсолдан улуғ мутафаккир “Фарҳод ва Ширин” достони композициясини шакллантиришда даҳо ижодкорларга хос новаторлик кўрсатиб, тасвирда кўзгу бадиий усулини ярата олди, дейиш мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Алишер Навоий. Танланган асарлар тўплами. X жилдлик, VI ж. – Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, F.Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 14 – 15.
2. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – М.: «Наука», 1965. – С. 133.
3. Hamid Algar. Jāmī and Ibn ‘Arabī: Khātam al-Shu‘arā’ and Khātam Al-Awliyā’// Ишрак. Ежегодник исламской философии. – Москва: Издательская фирма «Восточная литература», №3, 2012. – С. 138 – 158.
4. Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: “Фан”, 1971.
5. Жабборов Нурбой. Икки буюк хамсанавис ижод концепцияси. //Жаҳон адабиёти, 2021, 6-сон. – Б. 181-182.
6. Муҳаммад Зоҳид Қутқу ибн Иброҳим ал-Бурсавий. Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди. Иккинчи китоб. Шарҳи Омолий. Алийул Қорий шарҳи асосида. /Мутаржим Мирзо Кенжабек. -Т.: Мовароуннахр, 1999. – Б.20.
7. Насафий, Азизиддин. Комил инсон (Олим Давлатов таржимаси). – “Жаҳон адабиёти” журнали. 2/2019. – Б.37.
8. Прозоров С.М. Мистическая любовь к Богу как доминирующая идея суфийского пути. – Москва: Ишрак. Ежегодник исламской философии. 214/№5. – С. 258.
9. Қаямов А. “Фарҳод ва Ширин” сирлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 66.
10. Сувон Мели. “Фарҳод ва Ширин” достонида фано концепцияси. ЎТА, №1. 2019.
11. 45، ص. 1370، ىروهط: نارھت - ىداجس رف عج فيلأت / ىن افرع تاري بعت و تاحال طصا كن درف
12. 54، ص. 1344، نارھت ىهالكشناد رشن زكرم: نارھت - مكلال صوصف حش. اسراب دمحم هجاوخ
13. ЎЗР ФА ШИ Қўлёзмалар хазинаси, РН 1331 рақамли қўлёзма. – В.605⁶.
14. بتنكشات. نتم ىديقنت يملع. نيريش و دامرف. ىياون رييشيلع



ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALINING AXBOROT XATI

Alisher Navoiy xalqaro jurnali O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiyasi komissiyasi tomonidan filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari yuzasidan asosiy ilmiy natijalar chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan. Shuningdek, Amerika qo'shma shtatlarining Crossref.org tizimiga ham kiritiladi hamda har bir maqolaga doi raqami beriladi. Jurnalda quyidagi ruknlar bo'yicha maqolalar chop etiladi:

- **NAVOIY VA JAHON ADABIYOTI**
- **NAVOIY VA TILSHUNOSLIK MASALALARI**
- **TEMURIYLAR DAVRI TURKIY VA O'ZBEK ADABIYOTI**
- **BAHOSIZ BITIKLAR** (Navoiy asarlarining qo'lyozmalari, Navoiy merosi va matnshunoslik masalalari uchun).
- **ASLIYAT UMMONI** (asosan, ingliz, fransuz, nemis, rus, xitoy, yapon, koreys, hind tillariga).
- **NAVOIY NASRI VA NAZMI NAFOSATI** (Navoiy nasri va nazmiga doir tadqiqotlar uchun).
- **ILM, OLAM VA OLIM** (Navoiy ilmiy merosi va turli ilmlarga doir qarashlari uchun).
- **HAQIQAT SARI SAFAR** (Navoiyning falsafiy qarashlari).
- **MA'RIFAT YOG'DUSI** (Navoiy va islom ma'rifati, Navoiyning diniy-ma'rifiy qarashlari, Navoiy va tasavvuf).
- **NAVOIY POETIKASI** (Fasohat, balog'at, badiiyat, aruz va qofiya bilan bog'liq masalalar).
- **TURKIY MUMTOZ ADABIYOT TADQIQI VA UNING BOSHQA ADABIYOTLAR BILAN QIYOSI**
- **NAVOIY VA ADABIY TA'SIR MASALALARI**
- **NAVOIY VA TA'LIM-TARBIYA MASALALARI**

MAQOLALARGA QO'YILADIGAN TALABLAR:

- maqola 10-15 sahifa hajmida taqdim etiladi;
- maqolalar **o'zbek, turk, tojik, rus, ingliz, fransuz** tillarida qabul qilinadi;
- Maqolaning tarkibiy tuzilishi:
 1. Maqola sarlavhasi.
 2. Muallifning F.I.SH., lavozimi, ilmiy unvoni, ish (o'qish) joylari, viloyat, respublika va elektron pochta adresi to'liq keltiriladi.
 3. Annotatsiya (maqolaning qisqacha mazmun va maqsadi, 100-150 ta so'zdan iborat bo'lishi lozim) **o'zbek, rus, ingliz** tillarida beriladi.
 4. Tayanch so'z va iboralar **o'zbek, rus, ingliz** tillarida (7-10 so'zdan iborat bo'lishi kerak).
 5. Kirish (Introduction)
 6. Asosiy qism (Main part)
 7. Natijalar va muhokama (Results and Discussions)
 8. Xulosalar (Conclusions)
 9. Adabiyotlar (References) – alifbo tartibida keltiriladi (15-20 ta adabiyot).
- maqola Times News Roman shriftida, 14 kattalikda, 1 intervalda tayyorlanadi;
- havola(snokalar)lar katta qavsda muallif familiyasi – nashr sanasi – sahifasi [Mo'minov 2020: 25] shaklida keltiriladi;
- maqola tomonlari chap: 3 sm, o'ng: 1,5 sm, yuqori va quyi: 2 sm;
- maqolada keltirilgan ma'lumot va dalillarning ilmiy asoslanganligi, ishonchli va ko'chirmachilik holatlari uchun muallif(lar) mas'uldir.
- Maqolalar ekspertiza qilinadi. Ekspertlar tomonidan **tavsiya etilgan maqolalargina jurnalda chop etiladi**;
- tavsiya etilmagan maqolalar chop etilmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.
- jurnalning 1 ta sonida muallifning faqat 1 ta maqolasi chop etiladi.
- Maqola so'ngida mualliflar(lar) telefon raqamini kiritishlari shart.

MUROJAAT UCHUN MANZIL:

Toshkent shahri Amir Temur ko'chasi Matbuot;
Samarqand shahri Universitet xiyoboni 15, SamDU filologiya fakulteti
Tel.: +99891 527 68 22 Telegram raqami: +99891 527 68 22
E-mail: alishernavoiy2020@mail.ru



ИНФОРМАЦИОННОЕ ПИСЬМО МЕЖДУНАРОДНОГО ЖУРНАЛА “АЛИШЕР НАВОЙ”

Международный журнал “Алишер Навой” включен в перечень научных изданий, рекомендованных ВАК Республики Узбекистан для публикации основных научных результатов диссертаций кандидатов на соискание ученой степени доктора философии (PhD) и доктора наук (Д.б.н.). Он также будет включен в систему Crossref.org в США, и каждой статье будет присвоен номер DOI. Статьи для публикации в журнале принимаются по следующей тематике:

- **НАВОЙ И ВСЕМИРНАЯ ЛИТЕРАТУРА**
- **НАВОЙ И ВОПРОСЫ ЯЗЫКОЗНАНИЯ**
- **ТЮРКСКАЯ И УЗБЕКСКАЯ ЛИТЕРАТУРА ЭПОХИ ТЕМУРИДОВ**
- **БЕСЦЕННЫЕ РУКОПИСИ** (рукописи произведения Навои, проблемы наследия Навои и текстологии)
- **ОКЕАН МЫСЛЕЙ** (переводы произведений Навои на английский, французский, немецкий, русский, китайский, японский, корейский, индийский языки)
- **ИЗЫСКАННОСТЬ ПРОЗЫ И ПОЭЗИИ НАВОЙ** (для исследований в области прозы и поэзии Навои)
- **НАУКА, МИР И УЧЕНЫЙ** (научное наследие Навои и его научные взгляды)
- **ПУТЬ К ИСТИНЕ** (философские взгляды Навои)
- **ДУХОВНОЕ ОЗАРЕНИЕ** (Навои и ислам, нравственно-духовные воззрения Навои, Навои и суфизм)
- **ПОЭТИКА НАВОЙ** (вопросы поэтики, системы аруз, ритмики и рифмы)
- **ИССЛЕДОВАНИЕ ТЮРКСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ И ЕГО СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ**
- **НАВОЙ И ВОПРОСЫ ЛИТЕРАТУРНОГО ВЛИЯНИЯ**
- **НАВОЙ И ВОПРОСЫ ВОСПИТАНИЯ И ОБРАЗОВАНИЯ**

ТРЕБОВАНИЯ К ОФОРМЛЕНИЮ СТАТЕЙ:

- Объем статьи: около 10-15 страниц;
- Статьи принимаются на **узбекском, турецком, русском, английском и французском языках**;
- Структура статьи:
 1. Название статьи.
 2. И.Ф.О. автора, должность, научная степень, место работы (учёбы), область, республика, электронная почта.
 3. Аннотация (краткое содержание и цель статьи, статьи в объеме 100-150 слов) на **узбекском, русском и английском языках**.
 4. Ключевые слова и выражения на **узбекском, русском и английском языках** (7-10 слов).
 5. Вступление (Introduction)
 6. Основная часть (Main part)
 7. Результаты и обсуждение (Results and Discussions)
 8. Заключение (Conclusions)
 9. Литература (References) в алфавитном порядке (15-20 наименований).
- Шрифт текста – Times New Roman; размер — 14 пунктов; межстрочный интервал — 1,5;
- Сноски приводятся в квадратных скобках с указанием *фамилии автора – года издания – страницы* [Мўминов 2020: 25];
- Параметры страницы: слева 3 см, справа 1,5 см, сверху и снизу по 2 см;
- Ответственность за научную обоснованность, достоверность приведенных в статье данных и оригинальность несут авторы статьи.
- Статьи проходят обязательную экспертизу. В журнале публикуются **статьи, рекомендованные экспертами к публикации**;
- Нерекомендованные публикации статьи не публикуются и не возвращаются авторам.
- В одном номере журнала публикуется только 1 статья автора.
- В конце статьи необходимо указать контактный номер автора.

НАШИ КОНТАКТЫ:

Ташкент, проспект Амира Темура, улица Матбуотчилар;
Самарканд, Университетский бульвар, 15, факультет филологии СамГУ
Тел.: +99891 527 68 22 Телеграм номер: +99891 527 68 22
E-mail: alishernavoiy2020@mail.ru



ALISHER NAVOI INTERNATIONAL JOURNAL INFORMATION LETTER

Alisher Navoi International Journal is included in the list of scientific publications recommended by the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan for publication of the main scientific results of the dissertations of candidates for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) and Doctor of Science (DSc). It will also be included in the Crossref.org system in the United States, and each article will be assigned a DOI number. The magazine publishes articles on the following sections:

- **NAVOI AND WORLD LITERATURE**
- **NAVOI AND LINGUISTIC ISSUES.**
- **TURKISH AND UZBEK LITERATURE OF THE TEMURIDS PERIOD**
- **INVALUABLE ESSAYS** (for manuscripts of Navoi's works, Navoi's heritage and textual issues).
- **ORIGINAL WORK** (mainly in English, French, German, Russian, Chinese, Japanese, Korean, Hindi).
- **BEAUTY OF NAVOI PROSE AND POETRY** (for research on Navoi prose and poetry).
- **SCIENCE, THE WORLD AND SCIENTIST** (for Navoi's scientific heritage and views on various sciences).
- **JOURNEY TO THE TRUTH** (Navoi's philosophical views).
- **THE LIGHT OF ENLIGHTENMENT** (Navoi and Islamic enlightenment, Navoi's religious-enlightenment views, Navoi and mysticism).
- **NAVOI POETICS** (Issues related to eloquence, maturity, art, rhyme and rhyme).
- **RESEARCH OF TURKISH CLASSICAL LITERATURE AND ITS COMPARISON WITH OTHER LITERATURE**
- **NAVOI AND LITERARY INFLUENCE ISSUES.**
- **NAVOI AND EDUCATIONAL ISSUES.**

REQUIREMENTS FOR ARTICLES:

- the article is presented in 10-15 pages;
- Articles are accepted in **Uzbek, Turkish, Tajik, Russian, English, French**;
- Structure of the article:
 1. Article title.
 2. Full name of the author, position, academic title, place of work (study), region, republic and e-mail address.
 3. Annotation (brief content and purpose of the article, should be 100-150 words) is given in **Uzbek, Russian, English.**
 4. Key words and phrases in **Uzbek, Russian, English** (should be 7-10 words).
 5. Introduction
 6. Main part
 7. Results and Discussions
 8. Conclusions
 9. References - listed in alphabetical order (15-20 references).
- The article is prepared in Times News Roman font, 14 sizes, 1 space;
- references are given in parentheses in the form of the author's name - date of publication - page [Muminov 2020: 25];
- sides of the article left: 3 cm, right: 1.5 cm, top and bottom: 2 cm;
- The author (s) are responsible for the scientific validity, reliability and copying of the information and evidence presented in the article.
- Articles will be examined. Only articles recommended by experts will be published in the journal;
- Un recommended articles will not be published and will not be returned to the authors.
- Only 1 article by the author is published in 1 issue of the magazine.
- The author (s) must enter a phone number at the end of the article.

ADDRESS:

Tashkent city, Amir Temur street Press; Samarkand University Boulevard 15,
SamSU Faculty of Philology Phone: +99891 527 68 22
Telegram number: +99891 527 68 22 E-mail: alishernavoi2020@mail.ru



NAVOIYNI ANGLASH

Tarix, degani bu – jang-jadal emas,
So‘zdir u, so‘zlarda aks etgan ma’no.
Balki turkiyni ham birov til demas,
Navoiy nazmidan tuymasa navo.

Uyg‘oq shuur bilan xayolga tolsak,
Navoiy va imon – egiz tushuncha.
Shoirlar biz qancha yaqin borolsak,
Xudoga yaqinlab borurmiz shuncha.

El g‘amin o‘ylagan bari bir o‘lmas,
Uni kutar doim taqdir alomat.
Bu teran nolalar hech qachon so‘lmas,
Ko‘ngilni avaylab-asrar salomat.

«Ey, Navoiy», deya chorlar o‘zini
Muhabbat yo‘liga, mehr yo‘liga.
«Ey, Navoiy» – jahon ochar ko‘zini,
Tilla tushgan kabi gadoy qo‘liga.

«Ey, Navoiy» – quyosh tushar samodan,
Ketar poy-piyoda ufqlar oralab.
Yurak entikadi toza havodan,
Metin dardlarini tilka-poralab.

Avlod-avlodlarga hamisha yor u,
Turli xalqlar aro raso qaddimiz.
«So‘zimni eshit», – deb bizlarga zor u,
«Biz ham zor», – deyishga bormi haddimiz?

Shukur Qurbon

ALISHER NAVOIY

XALQARO JURNAL
INTERNATIONAL JOURNAL
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000



ALISHER NAVOIY. SHANXAY. SHANXAY UNIVERSITETI BOG'I
Haykal Ravshan Mirtojiyev va Ye Qing muallifligida 2017-yilda yaratilgan.

АЛИШЕР НАВОИ. ШАНХАЙ. САД ШАНХАЙСКОГО УНИВЕРСИТЕТА
Статуя создана в 2017 году Равшаном Миртожиевым и Ёе Кингом.

ALISHER NAVOI. SHANGHAI. SHANGHAI UNIVERSITY GARDEN
The statue was created in 2017 by Ravshan Mirtojiyev and Ye Qing.